З.А.Назарова., М.М.Зиямухамедова

# ГОМЕОПАТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

*Монография*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**З.А.Назарова., М.М.Зиямухамедова**

# ГОМЕОПАТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

***Монография***

**ТОШКЕНТ- 2022**

УДК: 615.451.16.582

Тошкент фармацевтика институти мутахассислари томонидан тайёрланди.

**Муаллифлар:** **Фармацевтика фанлари доктори, профессор Зарифа Алимджановна Назарова**

**Фармацевтика фанлари доктори Муножот Миргиясовна Зиямухамедова**

**Такризчилар:** **т.ф.д., профессор З.С. Солихўжаев**
**ф.ф.д., профессор К.С.Махмуджонова**

Ушбу қўлланма тиббиёт ва фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳамда тиббиёт ва фармацевтика олийгохлари, колледжлари, лицейларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан гомеопатик рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг қўлланилиши бўйича керакли маълумотларни олишларига муҳим ҳисса қўшади деган умиддамиз.

## СЎЗ БОШИ

Гомеопатия – бу тиббиётнинг альтернатив даволаш усули бўлиб, дориларни жуда кичик дозаларда ишлатади ва ўхшашлик қонунини қўллайди.

Дорилар (ўсимлик, ҳайвон ва минерал табиатли бўлиб) потенциялаш ва динамизациялаш (қаттиқ чайқатиб, силкитиш бўйича) тайёрланади. Беморларни насли, конституцияси, ташқи муҳит омилари таъсири, жинси, ёши, феъл-атвори ҳисобга олинган ҳолда индивидуал якка шахсга белгиланади.

Гомеопатия юнонча homois – ўхшаш ва pathos – касаллик сўзларидан иборат бўлиб, касалликнинг қандай белгилари бўлса, соғлом одамда синалган дори маълум катта дозада айнан шундай белгилар пайдо қиладиган дорилар билан даволашга қаратилгандир. Бу ноанъанавий даволаш усулини олмониялик олим Христиан Фридрих Самуэль Ганеман (1755-1843) таклиф қилди. Бу усул ўзига хос айрим қонун, назариялар, тавсиялврга суянади. Масалан, ўхшашлик қонуни, конституционал дорилар, гомеопатия дориларининг таъсир механизми, беморни даволашда ҳисобга олинадиган айрим омиллар, гомеопатия рецептураси ва гомеопатия ўзига хос технологияси шулар жумласидандир.

Беморга буюриладиган дориларнинг кичик, кўпгина ниҳоятда оз дозаларда бўлиши, шунинг ҳисобига доривор ўсимликлар заҳирасини сақлаб қолиш имкониятининг юзага келиши дориларнинг экологик тозалигини, бемирларга салбий таъсирининг йўқлиги, дориларни ишлаб чиқаришда қиммат-баҳо асбоб-ускуналарнинг талаб этилмаслиги, анъанавий дорилардан бир неча марта арзонлиги гомеопатия усулининг ижобий томонларидир.

Гомеопатияда ишлатиладиган дори-дармонларнинг деярли 80% доривор ўсимликлардан тайёрланади.

Гомеопатия Лейпциг университетининг профессори Христиан Фридрих Самуэль Ганеман (1755-1843) томонидан XVIII-XIX асрлар бўсағасида тиббиётда янги даволаниш йўналиши сифатида пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги 415-1-сонли қонуни асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 1998 йил 30 мартдаги 142-сонли буйруғи «Гомеопатик дори воситаларини рўйхатга олиш, клиник синовлар ўтказиш ва экспертиза қилиш тартиби» келтирилган.

Айнан ушбу даврдан бошлаб гомеопатик дори воситалари қайд этила бошланди ва аҳолини ишлатилиш бўйича дорихоналарда сотилиб келмоқда.

Тошкент фармацевтика институти қошида бакалавриат йўналиши ва магистратура мутахассислиги талабалари Олий таълим ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим стандарти ва махсус дастурлар асосида «Махсус дори турлари технологияси», «Гомеопатия ва ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияси» фанларидан таҳсил оладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гомеопатик воситалар лицензияланиши муносабати билан фармацевтлар амалиёт фаолиятида гомеопатия даволаш усули ҳақида умумий маълумотларни билиши, гомеопатия даволаш усулининг асосий қонунлари, қўллаш принциплари ва унинг афзалликлари, гомеопатик дори воситалари, уларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашёлар, шунингдек, хом ашё ва препаратларнинг сифатини меъёрлаштирувчи меъёрий ҳужжатлар тўғрисида керакли билимларга эга бўлишлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунига 2009 йил 17 сентябрдаги № ЎРҚ – 2222 моддасига қўшимчалар:

- дори воситалари – келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир нечта дори моддалари (субстанциялар) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилиган, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташхис

қўйиш ва стерилизация воситалари, шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқариш ва тайёрлаш учун мўлжалланган дори моддалари (субстанциялар) киради. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти” тўғрисидаги 2016й 4 январдаги NЎРҚ-399 қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар: 5 модда. Ўзбекистон Республикаси вазирлигининг компетенцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги: Ўзбекистон давлат буюртмасини шакллантиради ва давлат тиббиёт муассасаларида асосий дори воситалар турлари, тиббий буюмлар бўлишни назоратини таъминлайди;

- дори воситалар ва тиббий буюмларнинг сифатини назоратлаш, қайд этиш, стандартизациялаш ва сертификатлаштиришларни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229 «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПФ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2018 йил 12 октябрдаги ПҚ-3968-сон «Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишига бағишланган.

Дори воситалари миқдори кенгайиши ва уларнинг тиббий зарурияти ошиши туфайли фармацевтларни замонавий илмий ахборотлар билан таъминлаш кераклиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Даволаш усулларини қўлланишда ўрнатилган тартибда қайд этилган гомеопатик дори воситалар ишлатилади.

Қўлланмада ёзилган маълумотлар асосан замонавий илмий билимлар ва расмий нашрлар: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош

бошқармаси томонидан тасдиқланган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномаси, Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестрларига ва Салихўжаев З.нинг “Дори воситалари” китоби, Тошкент: «Камалак», 2020, II жилдига мувофиқ келтирилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда 50 дан ортиқ комплекс гомеопатик препаратлар қайд этилган. Улар дорихоналардан шифокорнинг рецептисиз сотилади. Дори воситаларини тиббиётда қўллаш бўйича тўлиқ маълумотларни ўзида жамлаган йўриқномалар тўплами мавжуд.

Йўриқномаларда дори воситасининг савдо номи, таъсир этувчи модда, чиқарилиш шакли, таркиби, фармакотерапевтик гурухи, фармакологик хусусиятлари, фармакокинетикаси, қўлланилиши, қўллаш усули ва дозаси, суюлтиришлар ҳамда ножўя таъсирлари, қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар, дориларнинг ўзаро таъсири, махсус кўрсатмалар, сақлаш шароити, яроқлилик муддати ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳақида маълумотлар берилган.

Келтирилган маълумотлар инсон ҳаёти учун хавф туғдирмайдиган, касалликлар белгиларини бартараф қилишда ва касаллик патогенези асосида ўхшашлик даволашнинг асоси бўлган рецептсиз сотиладиган гомеопатик дори воситаларини тўғри танлашда ҳамда улардан самарали фойдаланишда ёрдам беради.

Ушбу қўлланма фармацевтика олийгоҳларининг бакалавриат йўналиши, магистратура мутахассислиги талабалари, фармацевтлар малакасини ошириш курси тингловчилари, тиббиёт ва фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар томонидан қўлланма сифатида фойдаланишга мўлжалланган.

Қўлланма илк маротаба ўзбек тилида чоп этилаётганлиги учун кўрсатиладиган фикр, мулоҳаза ва камчиликлар муаллифлар томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

**Муаллифлар**

## I БОБ. Гомеопатия

Гомеопатик табобати ҳозирги даврда етарли даражада самарали ва хавфсиз даволаш усули бўлиб, у кўплаб бемор ва шифокорнинг эътиборини ўзига тортди. Халқ табобатининг адабиётларида шифокорларнинг гомеопатия соҳасидаги билимларини кенгайтириши мумкин бўлган, гомеопатияга доир маълумотлар манбалари етарли эмас. Охирги йилларда Т.Д.Варшавскийнинг гомеопатик «Амалий гомеопатия», Г.Кёллернинг таржима қилинган «Гомеопатия» китоби чоп этилган. Гомеопатия илмий тиббиётнинг ўрнини тўлдирмайди, балки шу тиббиётнинг давомидир. Айрим шифокорлар гомеопатик ва аллопатик даволашнинг фарқи ҳақидаги муаммо тўлиқ ечилмаган деб ҳисоблашмоқда. Кўпгина шифокорлар оддий медикамент билан гомеопатик даволашни афзал кўрадилар. Гомеопатия – бу панацея эмас, агар уни аллопатия билан қўшиб қўлланиб, кенг тарқалган касалликларни даволашда қўлланиладиган оддий дорилар самарасиз бўлганда, гомеопатик ва аллопатик даволаш комплекси катта самара берарди. Гомеопатик даволаш ўткир ва сурункали касалликларда организмнинг табиий қарши курашувчанлик кучи туфайли яхши натижалар беради. Айниқса, у болалар учун самарали, бундан ташқари кўп сиқилиш, стрессдан келиб чиқадиган касалликларни даволашда аҳамияти катта. Беморнинг тез орада шифо топишига сабаб, гомеопатлар аллопатлардан кўра кўпроқ беморнинг темпераменти билан боғлиқ касаллик белгиларига аҳамият берадилар. Гомеопатия кўп мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Айниқса, Ҳиндистонда учта халқ табобати – аюрведа, сиддха, юнани билан бир қаторда кенг қўлланилади. Гомеопатия тиббиётга катта ҳисса олиб кириши мумкин.

Гомеопатия – бу тиббиётнинг альтернатив, лекин жуда самарали соҳасидан биридир.

Гомеопатия – «касаллик ўхшашлик» маъносини билдиради. Кўпинча гомеопатияни фитотерапия ёки психотерапияга мансуб деб фикр юритишади. Ҳамма дорилар таъсирида «плацебо» эффекти ёки самараси мавжуд. Шу

жумладан, гомеопатияда ҳам. Лекин гомеопатияда фақат плацебо самараси бўлиб қолмайди, 200 йилдан ошиқ ишлатилиб келмоқда.

Гомеопатиянинг энг асосий хусусияти – унинг конституционал таъсири – бу ўзига хослиги. Дорини гомеопатияда танланиши «Дори бемор»га асосланган. Дори шахсий танланади. Ўхшашлик принципи – энг аниқ принцип. Гомеопатия – бу энг хавфсиз даволаш усули, чунки организмга аллергик ва токсик таъсири бўлмайди. Демак, ножўя, қўшимча таъсири йўқ. Асосан, организм ўзини ўзи даволайди, турғун иммунитетни касалликка қарши у ҳосил қилади, ишлаб чиқаради. Гомеопатик препаратлар алоҳида технологияда ҳар бир бемор учун тайёрланади. Шунинг учун бир кишига дори бўлса, бошқасига – заҳар бўлади. Гомеопат шифокор дориларни беморни кўргандан сўнг белгилайди.

Гомеопатия – анъанавий халқ табобатининг иккинчи гурухига киради. Официнал тиббиётга қарама – қарши эмас, бирга ишлатилади.

Гомеопатиянинг асосчиси немис шифокори С.Ганеман (XVIII аср охири). Уни ўқувчиси Константин Геринг 19 асрда гомеопатиянинг қонунларини белгилаган:

1) беморнинг касали ичидан юзага чиқиб тузалади;

2) беморнинг касали юқоридан пастга қараб тузалиши;

3) касалликни симптом (белгилари)лари қандай пайдо бўлган бўлса, шуни тескариси бўйича кетади.

Дорилар диагнози бўйича эмас, балки беморни шахси бўйича буюрилади. Гомеопатиянинг шиори «касални даволаш керак, касалликни эмас». Гомеопатия бўйича даволаш, усули 200 йилдан ошиқ бор, лекин уни принциплари ўзгармаган. Нима учун гомеопатияга тиббиётнинг альтернатив даволаш усулига қизиқиш тобора ортиб бормоқда? Чунки инсонлар энг хавфсиз, юқори самарали кимёвий дориларсиз соғлом бўлишни ҳоҳлайдилар. Организмни даволаниши унинг ўз кучи билан намоён бўлади. Гомеопатия – бошқарувчи терапия, организмнинг фаолиятини тикланиши - ўз- ўзини бошқариш жараёнига йўналтирилган одамнинг ўз кучи фаоллашади.

Гомеопатик препаратлар ёрдамида касалликни чақирувчилар бартараф бўлмайди. Жараённи нормалланиши: рухий, физиологик ва ментал поғоналарда бўлади. Демак, ҳам танаси ҳам рухи тетиклашади.

Иккинчидан – ўхшашлик принципи.

Учинчидан – барча организм соғломлашади.

## 1. Гомеопатиянинг кискача тарихи

Ўрта асрларда беморни даволашда зулуклар қўйиш, қон чиқариш усуллари қўлланилган. Бунинг учун қон сўрувчи банкалардан фойдаланилган. Шунингдек, ич юмшатувчи, қусуқ чақирувчи ва терлатувчи воситалар ҳам ишлатилган. Табиблар дори моддаларнинг хусусиятларини тўлиқ билмай туриб, уларни бошқа дорилар билан аралаштириб, ҳеч қандай асоссиз жуда катта дозаларда ишлатишган. Ўткир касалликларда рецептлар кунига бир неча марта ўзгарган. Сурункали касалликларда эса дори номлари 2-3 кунда ўзгарган. Дори моддаларнинг аралашмасига темир, симоб, хинин, опийлар кирган. Бу дорилар ҳам катта дозаларда буюрилган. Масалан, симобли бирикмалар яра қилгунча, яъни организм тўлиқ захарлангунча буюрилган. Шундай табиблар бўлганки, улар ўз тажрибасини самарасиз деб топиб, даволаётган беморга ўзларининг кучсизлигини ва бераётган дорилари беморга захарлилигини очиқ ошкор қилганлар.

Гомеопатик даволаш усулининг асосчиси немис олими ва шифокори Христиан Фридрих Самиул Ганеман (1755 – 1843йй.) ҳам ўша даврда яшаган ва шулар тоифасига маълумот йўқ деб таъкидланган. Ганеман лотин, грек ва араб тилларини билган ҳолда, кўп йилларини қадимги манбаларни ўрганиш ва таржима қилишга бағишлаган. У Гиппократ, Авиценна, Гален, Орибазия, Карнелий Цельс, Диоскарид, Аэтия ва бошқаларнинг баёнларини ўрганган. У ўз даври табобатини камчиликларини билиб, даволашда ҳеч нарсага асосланмаган мураккаб таркиблардан воз кечиш ва беморларни ўзига хос субъектив холларини инобатга олишни маслаҳат берган. Ганеман қадимги муаллифларнинг ўхшашлик принципи йўналиши бўйича дориларни

қўллаганлигини аниқлади. Гиппократ шундай ёзади: «Беморга унинг табиати табиблик қилади, хақиқий табиб эса ёрдам бериши керак. Касаллик ўхшашлик билан вужудга келади ва ўхшашлик билан бемор соғлиғини тиклайди».

1790 йил Ганеман Кулленнинг «Доришунослик» асарини инглиз тилидан немис тилига таржима қилаётганида, муаллиф хина пўстлоғининг таъсири ҳақидаги бўлимида кўплаб амалга қарши гипотезалар топган.

Ганеман бу ўсимлик доривор маҳсулотини текширишига киришади. Бир неча кун мобайнида у ўзида маълум микдорда дорини қабул қилган ва синаган, натижада, унда безгак симптомлари пайдо бўлган. Бу тажрибани бир неча бор ўзида ва дўстларида синаб кўриб, Ганеман хининни нафақат безгакни даволовчи, балки катта дозада соғлом организмда безгак касаллик белгиларини келтириб чиқаришини таъкидлайди.

Ганеман қадимги муаллифларнинг тажрибалари ва фикрлашлари билан танишиб, улардан беморларни даволашда «ўхшашлик принципини» топди ва ўзининг хина дарахти пўстлоғи билан бўлган тажрибаси асосида гомеопатик назариясини яратди.

Ганеман тажрибада дори воситаларини синаб кўриш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқарди:

- ҳар бир дори модда организмда махсус таъсир кўрсатади;
- дорининг таъсири рационал реакция бўлиши учун ҳисоб-китоб қилиниши керак;
- реакция организмнинг аввалги ҳолатига боғлиқ;
- организм реакцияси туфайли кичик яллиғланиш стимулланган самарага эга;
- яллиғланишнинг мослиги субъектнинг реакцияси орқали аниқланади.

6 йилдан кейин қаттиқ меҳнат қилиб, соғ ва бемор организмларда турли доривор моддаларни синаб кўриб, Ганеманнинг биринчи марта тажриба натижалари чоп этилди.

1796 йилда Гуфеланинг табобат ойномасида Ганеманнинг «Доривор моддаларни даволаш хусусиятини топиш учун янги жараён тажрибаси» деб номланган мақоласи чоп этилди.

1805 йилда эса худди шу ойномада Ганеманнинг «Тажрибали табобат» деб номланган мақоласи чоп этилди.

1810 йилда Ганеманнинг «Табиблик санъатининг органони» номли китоби нашрдан чиқди. Шу даврда Ганеман Лейпциг дорилфунунида приват-доцент унвонига сазовор бўлди, ўқитиш жараёнида унинг атрофида талабалар, табиблар, дорини ўзида синашга ўз ихтиёри билан келганлар бўлган.

1811 йилда Ганеманнинг баёнларидан бири бўлган «Тоза доришунослик»нинг 1-қисми чоп этилди. Бир неча йилдан кейин эса унинг қолган 4та қисми ҳам чоп этилди. Бу асарда 60 га яқин дори моддалар таъсири келтирилган. Дориларни излаб топиш ва қўллашда ўз усулини бошқа усуллардан фарқлироқ, Ганеман «гомеопатик» деб номлади.

Гомеопатия дори воситаларининг қўшимча таъсири йўқлиги кўпчиликни ўзига жалб қилади. АҚШда 1832 йили, Бельгияда 1953 й, Англияда 1856 й, Швейцария, Италия, Норвегия, Швеция, Испания, Греция, Финландия, Осиё давлатларида Хиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Африка қитъасида: Нигерия 1960й, Лесто 1979й, Зимбабве 1981й, Австралия ва Янги Зеландия амалиётларида хам гомеопатия секин аста ривожлана бошлаган. Венгрия, Чехославакия, Руминияларда ҳам гомеопатия ўз ўрнини топган. Польшада 1982 йилдан бошлаб гомеопатия жамияти мутахассисларидан ташкил топган комиссия томонидан текшириб, ижобий натижа берилганлиги муносабати билан гомеопатия Давлат томонидан расмий тан олинган.

Венгрия ва Чехославакияда гомеопатия усули билан даволаш бошқа қўшни давлатларга нисбатан бирмунча камроқ йўлга қўйилган. Россияга Ганеман ғоялари ўтган асрнинг 20 йилларида кириб келди. 1824 йил Петербургда Ганеман ва унинг таълимоти билан таниш бўлган доктор Адам Германияга шу йўналишни қўллаш учун кўчиб келади. Бу назарияни ёқловчилар ҳам топилиб, гомеопатия йўли билан даволаш тез тарқала бошлайди. 1828 йилда ўша вақтда

ҳарбий госпиталларнинг бирида хизмат қилувчи Лейб-медик Германияга Ганеман усули билан даволашга хуқуқ берилди.

1832 йилдан Петербург, Москва, Рига шаҳарларида гомеопатия дорихоналарини очишга рухсат этилди. Москвада 1-чи гомеопатия дорихонаси Петровкада 1853 йилда очилиб, унга гомеопатия таълимини тарғибот қилишга кўп хизмат қилган А.О.Фарбрихер бошчилик қилган. XIX асрнинг 2- ярмидан бошлаб гомеопатия журнали ҳар ойда чиқа бошлайди. 1898 йил Петербургда гомеопатия касалхонаси очилди. 1833 йил Ригада ҳам 1- гомеопатия дорихонаси очилди ва 1959 йилга қадар дорихона шахсий гомеопатик шифокорлар рецепти бўйича дори тайёрлар эди. Ҳозирги вақтда мустақил хамдўстлик давлатларида, жумладан Москва, Рига, Киев, Петербург, Тбилиси, Ялта, Симферополь, Львов, Харьков ва бошқа шахарларда 20 га яқин гомеопатия дорихоналари, Москвада гомеопатия касалхонаси ва дорихоналар қошида гомеопатия бўлимлари ишлаб турибди. Уларнинг ишини яхшилаш мақсадида Москва, Киев, Тошкент шахарларида шифокор-гомеопат ва фармацевт- гомеопат тайёрлаш бўйича махсус курслар ташкил этилган.

## 2.Гомеопатиянинг принциплари

Гомеопатиянинг альтернатив даволаш тизими сифатида асосий қонун-қоидалар (принциплар) қуйидагилар:

ўхшашлик қонуни асосида даволайди (анъанавий даволаш) аллопатия эса симптомларга қарама- қарши дорилар билан даволайди;

гомеопатик препаратларда доза эмас суюлтиришлар ишлатилади; кичик дозалар; дори моддаларнинг таъсири соғлом одамларда ўрганилади, дорилар патогенези пайдо бўлади.

Маълумки, гомеопатик воситалар асосий (дастлабки) гомеопатик препаратлардан тайёрланади.

## 3. Гомеопатияда ишлатиладиган дозалар, суюлтиришлар. Суюлтириш усуллари

ЖССТ (Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти) нинг 2003й Арманистонда бўлиб ўтган семинарда ноанъанавий тиббиётни янги стратегияси муҳокама қилинган. Халқ табобатида жаҳонда айниқса кам тарраққиёт этган камбағал давлатларда 80%гача ишлатиш келтирилган.
Масалан, Ҳиндистон-70%, Африка-80% фақат кассаликни даволаш эмас, балки диагностика ва касалликни олдини олиш бўйича, халқ табобатида турли хил тиббий амалиёт усуллари, руҳий, мануалтерапия ва бошқа усулларни қўллайди.

Ноанъанавий усуллар билан даволаш: доривор ўсимликлар, асалари маҳсулотлари, шарбат билан, мумиё, сув орқали, сийдик ёрдамида, очлик йўли билан, нафас олиш машқлари, Бутейко системаси ёрдамида, металлар билан (магнитотерапия) электротерапия, акупрессура, массаж, гипноз, ўқиб қоқиб ва ҳоказо. Акупрессура ўз-ўзини даволашдир. Одам танасида 14 чизиқ (меридиана)ларда жойлашган 1000 дан ортиқ нуқталар бор ва улар ўз номлари билан аталади. Бундан ташқари ҳали қанча ўрганилмаган нуқталар ҳам мавжуд. Масалан: тинчлантирувчи, қўзғатувчи ,сигнал берувчи, махсус нуқталар. Бу нуқталар асаб тизим мувозанатини тиклаб, стресслардан сақлайди.

**Аюрведа тиббий алтернатив тизими.** Бизнинг асримизгача X асрдан бошланган ва ҳозиргача ривожланган. Аюрведа сўзи “Ҳаёт ҳақида илм”(наука о жизни) деган маънони англатади. Аюрведа фалсафаси асосида барча тирик организмлар 5та асосий элементдан иборат: ер, сув, олов, ҳаво ва Аллоҳ кучи. Аюрведа -бу фақат тиббий тизим эмас, балки яшаш қоидаси. Бу тизим касалликни олдини олиш учун қўлланилади.

**Хитой халқ табобати**. X асрдан бизнинг асргача хитой халқ табобати (Ин ва Ян асосида ) ҳақида маълумот берган. Ин - бу ер, совуқ, аёл бошланиши. Ян - осмон, иссиқ ва эркак бошланиши. Ин ва Ян 5та элементлари ўзаро бирлашишга таъсир этади: метал, ёғоч, сув, олов ва ер.

**Хиропрактика.** XIX аср охирида гипноз терапевти Даниел Девид Палмер томонидан (АҚШ) умуртқа билан асаб тизими ўртасидаги боғлаш

билан хиропрактика ўтказилади, организмнинг ўз ўзини даволашига асосланган. Юнани Гиппократнинг 4 суюқ муҳитлари борлиги ҳақида назариясига асосланган: қон, йиринг, сариқ сафро ва қора сафро. Юнани анъанавий Хитой, Миср, Ҳиндистон, Ироқ, Перс ва Сирия тиббиёт тизимларидан иборат. Юнани бу Араб тиббиёти.

**Муаммолар ва уларни ечими.**

1.Доривор ўсимлик хом ашёлари мансуб бўлганў гуруҳига бўлинмаган.

2.Лотин терминлар ишлатилиши барча давлатларда бўлиши.

3.Барча йўлга солувчи жараёнларнинг ҳамкорлиги.

4.Сифатини аниқлашда талабларнинг бир бирига мослиги.

5.Доривор ўсимлик воситалар ҳақида база тузилиши.

6.Муассасаларда ишлатиладиган информация маълумотнома ва билимлар бўлиши.

7.Таснифларни миллий принциплари тузилиши.

8. Асосий доривор ўсимликлар воситаларни миллий формуляри яратилиши

**Гомеопатиянинг асосий принциплари:**

1.Ўхшашлик принципи

2. Кичик дозалар

3.Гомеопатик дори препаратларини тайёрлашда потенциялаш (динамизациялаш)

4.Беморни даволаш учун шахсий ва ҳар томонлама комплекс ёндашиш

Батафсилроқ 3 принципга тўхтаб С.Ганеманнинг тавсия қилган алоҳида усули дориларни тайёрлаш учун кетма – кетликда суюлтириш ва чайқатиш билан дорини таъсири намоён бўлади ва кучаяди. Потенция - қобилият, динамис - куч демакдир.

**С. Ганеман бўйича суюлтириш моҳияти.** Моддаларнинг оддий механик равишда аралаштирилса потенцияламасдан кутилган даволовчи таъсири бўлмайди.

1839 йил Ганеман шундай деган: Гомеопатик динамизациялаш таббий моддаларда хоссаларни уйғотиш қачонки ушбу моддага ишлов берилмаганда

у хоссалар ёпиқ бўлади. Ганеман тажрибаларда ҳайвонларни ишлатишни ман этган.Фақат инсонларни оптимал объект деб ҳисоблаган.  Шунинг учун гомеопатик препаратларни кўпчиликларда ўтказилади. Катта дозалар берилади. Қандай ўзгаришлар бўлса, уларни ушбу одам конститутцияси ва психологияси билан солиштирилади. Яна унинг яшаш тарзи, пархези, қиладиган иши, оиладаги муҳит ва бошқалар ҳисобга олинади. Қандай юзага чиққан касалликлар бўлса, Ганеман бўйича у организмдаги умумий ўзгаришлар кўринишидир. Айниқса тери касалликларини гомеопатия бўйича ички сурункали кассаликлардан ҳоли қилиш дейди, яъни ичдан-ташқарига; фақат сиртқи дори препаратлар билан тери касалликларни тузатишга уриниши - бу умумий патологияни зўрайишига олиб келади.Чунки организмни ҳимоялаш интилишига қарама-қарши бўлади.

Гомеопатик терапияни мақсади –организмга хос бўлган ўз-ўзини тузатишни активлаштириш. Демак, касалликни эмас, балки касални тузатишдир.

Кичик дозаларни таъсири. Гомеопатик препаратлар ўхшашлик қонунияти асосида якка ҳолда танлаб олинса, энг юқори самарага эга бўлади. Лекин бунинг учун шифокор махсус тайёргарлик кўрган бўлиши ва катта амалий иш кўникмасига эга бўлиши керак. Бундай мутахассислар деярли кам ва ҳозирча шифокорлар умумий мутахассислик билимларга эга. Шунинг учун бугунги кунда бутун дунёда гомеопатик ёрдам бериши фақат комплекс гомеопатик препаратларни яратиб уларни ишлатилиши аниқ кўрсатилган бўлади. Бу ҳол эса гомеопатияда билими чуқур бўлмаса ҳам қўллайди, ҳатто беморлар ҳам ўз-ўзини даволашда ишлатиши мумкин.

Гомеопатия касалликни эмас, касални даволайди. Ўхшашлик қонуни асосида дори танлайди, лекин касалнинг касаллиги тўғрисида аниқ маълумот бўлиши шарт, яъни касаллик симтомлари ўхшашлиги (объектив ва субъектив маълумотлар).

Дорилар гурухидан айнан патогенезида ушбу симптомлар бўлса, ана шулар танлаб олинади. Лекин юзаки ўхшаш симптомлар эмас ёки симптомлар

йиғиндиси эмас, балки касал одамни ва доривор препарат симтомлари комплекси бўлиши керак.Шунинг учун дорининг асосий симптомларига катта аҳамият берилади. Ундан ташқари, дори танлашда албатта тажриба натижалари: касаликни келиб чиқиш сабаблари, одамнинг тузилиши, ёши, касаликни ўтиши ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Агар дори симптомлари касаллик симтомларига яқин келмаса, унда 2та ёки кўпроқ дори танлаш зарур бўлади. Улар ўхшашлик симптомлар билан таъсир этиши учун. Дориларни кетма кетликда қабул қилинади, аввал биттаси узоқ муддат давомида, кейин бошқаси, у ҳам узоқ муддатга ёки бир бирини алмаштириб бир кун ичида.

Айнан барча симптомларни қопловчи дорилар кам.Шунинг учун дориларни кетма – кет берилиши қўлланилади, чунки даволаш жараёнида касалликни симптомокомплекси ўзгаради. Нотўғри танланган дори зарар келтирмайди, лекин қанча қимматбаҳо вақт сарф бўлади.

**Дозалар, қабул қилиш ва овқатланиш тартиби.** Дозанинг миқдори эмас, тўғри танланган доринниг даволаш таъсири ёрдам бериши аниқ.
Қайтанга дозалар кичик бўлиши керак, чунки катта дозалар касалликни зўрайтириб боради. Лекин кўзга кўринар кўринмас озгина симптомни ошиши, гомеопатик дорини тўғри танлангандан дарак беради.

Е.Бах гуллардан дорилар яратган. У Британиялик бактериолог ва гомеопат бўлган. Касал бўлган ҳайвонлар турли хил гуллардан шудрингни ялаб юрганини кузатган ва 38 та гуллар турида даволовчи хусусиятлар борлигини Бах топган. Ҳар бир гул аниқ эмоционал ҳолатга мансублигини билган. Шунинг учун Бахнинг гул дориларини фақат эмоционал ва психологик симптомларга асосланган ҳолда берилади. Кейин физиологик симптомлар дорини танлашда ҳисобга олинмайди. Ҳозирги кунда амалиётда Бах системаси кенгайтирилиб, унинг тузган гуллар рўйхатига жуда кўп қўшилган.

С.Ганеман ўз тажрибалари, олган билимлари асосида чиқарган хулосаларидан бири: шундай касалликлар борки, улар бир - бирини қириб ташлайди. Лекин буни аниқлаб олиш зарур. Касалликни ўхшашлик принципи

асосида даволаш бу - ушбу ҳолатни ечимидир. Бу ҳолатни тушиниш учун оддий бир мисолни Ганеман келтирган. Одам организмига иссиқ ва совуқни таъсири. Агар совуқ олган қўлни иссиқ сувга солинса қўл дарров исийди.(бу бирламчи реакция). Лекин ундан кейин иккинчи реакция қарама-қаршиси бўлади. Чунки иссиқ сувга солинган қўл совуқ қотади, сувдан чиқаргандан сўнг; агар ўхшашлик принципи асосида совуқ олган қўлни совуқ сувга солинса, аввал шок ҳолат вужудга келади, кейин эса қўл исийди. Бу ҳимоялаш реакциясидир. Қўлни сувдан чиқарилса у иссиқ бўлади. Демак, организм бор ҳимояловчи кучларни йиғиб таъсир кўрсатади. Ўхшашлик қонуни асосида даволаш - бу гомеопатик дориларни ҳимоялаш кучларини уйғотиб таъсир этишга қаратилган.

Ўхшашлик қонунини татбиқ қилиш учун ҳар бир шахсий ҳолатга бериладиган дорининг патогенези билан табиий касаллик белгиларини жуда чуқур барча аломатларни ниҳоятда синчиклаб ўрганиш, конституционал ҳам руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш ва ўзаро таққослаш асосида тўғри хулосага келиш мумкин. Гомеопатияда ўзига хос хусусиятлардан бири конституционал дорилардир. Бундай дорилар одам танаси тузилишига, асабига қараб, уларни ҳулқи атвори ҳар ҳил нарсаларга бўлган муносабати турлича эканлигини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.

Одам конституцияси катта ахамиятга эга. У бир неча хилларга бўлиниб, буларни аниқлаш, билиш касаликни эмас, балки касални даволаш имкониятига эътиборни қаратади.

Гомеопатиянинг асоси – мурожат қилган беморни касаллик белгилари билан чегараланиб қолмай улар орқали тирик одамни ички дунёсига кира билиш ва касаллик белгиларини бошдан кечираётган касални шахс сифатида ўрганиш керак-деб ёзган Зедуск (Бельгия гомеопатияси 1981й). Шундай қилиб, одам конституцияси касалликни реактивлигини аниқловчи барча насл белгилари, тананинг морфологик ва функцонал ҳусусиятлари бўйича маълумотлар беради. Одам конституциясини ўрганишга касалликни пайдо бўлиш даврида тананинг қандай ўзгаришларга учраши, атрофдаги нарсаларга

қандай муносабатда бўлишига катта аҳамият берилади. Конституционал деганда ҳар бир касалга алоҳида ёндашиш зарурлиги даъват этилади. Асосийси ташқи кўриниши, юз тузилиши чунки юзда одамнинг табиати, ҳулқи, феъли, мижози, тана тузилиши намоён бўлади. Буларни биринчи марта Гиппократ, унинг фикрини ривожлантирган Парацелс, кейин эса Абу Али Ибн Сино ҳисса қўшган. Асосчиси бўлиб Ганеман тан олинган.У 1811 йил ёзган "Органон" асарида одамнинг уч хил конституционал турига тўхталиб ўтган:

1.Псора - сиртқи характерга эга бўлган организмни реакцияси (қўтир), у секин ўтади.

2.Сикоз - организмда гиперреакция кечади ( сўгал тошиш, холера).

3.Сифилина – организмда патологик реакция кечади (сифилис, рак).

Ганеман биринчи бўлиб, дори воситаларини аввал соғлом организмда синаб кўриш кераклигини айтган эди ва шу билан бирга дорилар патогенезини топган. Чунки доринининг патогенези худди касал симптоми билан бир хил бўлади, лекин дори патогенезларида Ганеман қандай одам қиёфасига ўхшашлигини келтиради.

Гомеопатияда биологик жиҳатдан одам конституцияси – у ижтимоий ва табиий шароитда ҳар хил таъсир кўрсатгич омиллар остида пайдо бўлган одамдаги шахсий физиологик ва анатомик хусусиятлар комплексидир. Шу туфайли бемор қабул қилинганда уни объектив ва субъектив (холисалло мустақил равишда касалнинг яқинлари ва касалнинг шахсий ўзи айтган) шикояти ва маълумотлари катта аҳамиятга эга. Бемор тўғрисида олган маълумотларни Ма ferta medica (Т.Д. Попова, 1991)да келтирилган дорилар патогенези билан солиштирилган ҳолда касалга гомеопатик дори танлаш мумкин. Демак, гомеопатик даволаш усулини қўллашда одам конституциясини ҳисобга олиб касалликни қайси дорилар патогенезига тўғри келишига эътибор берилади; франциялик гомеопатлар томонидан организмдаги модда алмашинуви бўйича одамларни уч тоифага ажратилади: Kalkarea karbonika, kalkarea phosphorica ва kalkarea fluorica. Ушбу учта гурухларга мансуб одамлар ўзига морфологик ва хос психологик томондан

хусусиятларга эга бўлиб ва фарқ қилади, яъни касални тоифасига қараб биринчи конституционал дориси белгиланади.

Маълумки, одамнинг касалланган бўлиши соғлом қисмларга нисбатан ҳар бир нарсага жуда сезгирдир, айниқса, дориларга нисбатан худди шундай касал кўз ёриқликка, касалланган қулоқ қаттиқ товушга, яра-чақага эга устига тегадиган нарсаларга ва шунга ўхшашлар. Гомеопатияда шахсий сезгирликка жуда катта аҳамият берилади. ҳар бир одамда нимагадир, қандайдир бир нарсага нисбатан шахсий сезгирлик мавжуддир. Буни "идиосинкразия" деб аталади. Шахсий сезгирликни ва гомеопатиянинг "ўхшашлик" қонунини ҳисобга олганда ўз- ўзидан ёки касалга буюриладиган доринингқандайдир бир қисмигина даволашга таалуқли ва етарлидир.

**Одамнинг реакциясини оширувчи махсус таъсирли дорилар.** Гомеопатик дори тури нотўғри танланганда у ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди,чунки организм уни қабул қилмаган. Организмнинг дорига бўладиган реакциясини ошириш мақсадида қуйидаги воситалардан бири кунига 3 марта 2-4 кун давомида берилади:

1.Сулфур 6-биринчи ўринда ва беморга аввал тери касаллиги бўлган бўлса;

2.Карбо Вегиетабилис 6-ички аъзолар касаллигида;

3.Камфора 6-асаб тизими бўшашиб тажанг бўлганда;

4.Опиум 6-бўшашиб уйқуси келганда;

5.Купрум 6-тиришиш мускуллар тортишиши;

6.Валериана 3-асаб касалликларида.

Қуйидаги дорилар симптомокомплекс сифатида ишлатилиб, қон ва лимфа таркиби тўғирловчилар:

Кислоталар: бензой, фтор, нитрат, йодиум, кумуш бихромикум, синҳона ва бошқалар.

***Гомеопатик спецификаси.*** Гомеопатияга оид "спецификали"атамалар бўлиб, касалликни объектив-субъектив комплекс патогенез билан ифодаланганлигига айтилади. Дорини ўзига хослиги гомеопатияга оид, лекин гомеопатияга оидлиги хар маҳал ҳам спецификаси эмас. Гомеопатик дори

спецификали бўлиши-касалликни давомида бир бирини алмашиб турувчи симптомлар патогенези бўлишидир. Масалан, айрим гомеопатик дориларни объектив симтомлари :

1.Асидум Асетикум-пешобда ацетон бўлиши ;

2.Бариум Муриатикум-мия склерози;

3.Кактус-артериал босим пасайишидаги юрак касаллиги;

4.Кантарис-пешобда оқсил бўлиши;

5.Гратегус-артериал босим ошишидаги юрак касаллиги;

6.Ликоподиум-қонда сийдик кислотаси миқдорини ошиши;

7.Табакум-юрак томирлари склерози;

8.Теребентина-пешобда қон бўлиши.

Ўнг ва чап тамонлама таъсир этувчи гомеопатик воситалар.

Изланиш натижалари шуни кўрсатадики, дори симптомлари аъзоларнинг бир томонида кўпроқ, бошқа томонда эса камроқ бўлади. Гомеопатиянинг асосий ўхшашлик қонуниятига кўра, дорилар асосан аъзонинг қайси томонини кўпроқ шикаслантирса айнан шу томонга таъсир этади. Агар ушбу қонуниятга риоя қилинса дорини танлаш осон бўлади.

| Ўнг томонга таъсирли дорилар | Чап томонга таъсирли дорилар |
|---|---|
| Агарикус<br>Алюмина<br>Аргентум<br>Белладонна<br>Гепар сулъфурис<br>Дрозера | Аконитум<br>Апис<br>Арника<br>Арсениум<br>Графит<br>Йод |

| | |
|---|---|
| Игнация<br>Кантарис<br>Карбо вегетабилис<br>Каустикум<br>Ликоподиум<br>Рус токсикодендрон | Калциум карбоникум<br>Колоцинт<br>Лахезис<br>Меркуриус<br>Нукс вомика<br>Сулъфур<br>Хина |

С. Ганеман дориларни алоҳида усулда тайёрланишини тақдим этди. У дори моддани кетма-кетликда суюлтириб, ҳар гал чайқатиб таъсирини кучайтиради. Лекин оддий аралаштириб, кетма-кет суюлтирса, ушбу даволашни самараси бўлмас экан.

С. Ганеман бундай дорини тайёрлаш усулни «динамизациялаш» деб атаган, чунки дори организмда кучлироқ таъсир кўрсатади (dinamis - куч). Биринчи суюлтиришлар – паст, кейингиси – ўрта ва юқори ҳисобланади. Дорини тайёрлаш жараёни «потенциялаш» деб аталади.

Динамизация – бу гомеопатик препаратни тайёрлаш жараёнида ва дорини қабул қилишдан аввал мажбурий силкитишдир. С.Ганеман айтиб ўтганидек, гомеопатик препаратнинг самараси динамизациялашда ошади ва силкитиш сонига тўғридан-тўғри боғлиқ. Агар модда аввал ноиндифферент яъни кучли таъсир этувчи ёки захарли бўлган бўлса, у потенциялаш давомида захарлилиги камайиб даволаш кучи ошади. Назарий жиҳатдан қаралса, дори кучининг ошиши, асосий дори модда юзасининг ошишига боғлиқ. Чунки заррачаларни атом ҳолатгача майдаланиши, уларни бир-биридан итарилиб модданинг фаолланишига, демак таъсирини кучайишига, яъни динамизациялашга олиб келади.

Гомеопатик дориларни суюлтиришдан ташқари гомеопатик воситаларни таъсир этиш принципи бўйича уларни потенциялашдир.

Маълумки, гомеопатияда суюлтириш 1:10 ва 1:100 (1:9, 1:99) да бўлиб, кейин яхшилаб чайқатилади. Ушбу жараён потенциялаш деб айтилади.

***Гомеопатияда Д-потенцияси***

Агар дастлабки модда 1:9 суюлтирилса Д-потенцияси ҳақида деб тушуниш керак. Энг кўп ишлатиладиган Д потенциялар: Д4, Д6, Д12. Улар ўз-ўзини даволашда ўткир касалликларда тўғри келади. Ҳар куни дозаси 3 марта берилиб, гранула 3-5дона бўлади.

***С-потенциялар***

1:99 – бу С потенцияси. Энг кенг қўлланиладиганлари: С6, С12, С30, С200 ва С1000. Айрим касалликларда ундан юқори потенциялар ёзилиши мумкин М, С 10.000 ва С 100.000 улар чуқур интеллектуал даражада таъсир этади. Қанча потенция юқори бўлса шунча чуқур таъсир кўрсатади.

**4. Гомеопатик дори турлари, уларнинг таснифи**

Гомеопатик фармацияси бўйича асосий гомеопатик препаратларга эссенциялар (45%), тинктуралар (23%), эритмалар (10%), тритурациялар (22%) киради.

Гомеопатик препарталар тайёрлаш учун хом ашё сифатида ўсимликлар, кислота ва тузлар, металлар ҳамда ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар қўлланилади [1].

Бугунги кунда фармация саноатида қўлланилаётган гомеопатик дори турларига қуйидагилар киради:

- қаттиқ дори турлари: порошоклар (тритурациялар, врач тавсиясига кўра, ҳар бир бемор учун алоҳида тайёрланади). М: белладонна, симоб хлориди;

- гранулалар (Желчевом, Климаксан гомеопатический);

- таблеткалар (Ангин-хель, Гастрикумхель);

- драже (Гомеовокс, Коризалия);

- Гомеопатик леденцылар (Горпилс леденцияси ментол\эвкалипт, Фарингомед);

-юмшоқ дори турлари:

- суртма, гель, крем (Ревма-гель, Цель Т, Эдас-202, Дева-краса).

- суюқ дори турлари:

- томчи (Афлубин, Аргентум);

- томчи-эритма (Валерианахель, Галстена);

- настойкалар (врач тавсиясига кўра тайёрланади). М: арника настойкаси, дала қирқбўғими настойкаси;

- мойлар (Туйя ДН, чой дарахти);

- инъекция учун эритма (Гепар композитум, Дискус композитум, Мукоза композитум) (1).

Гомеопатик препаратларни қабул қилиш частотаси врач-гомеопат томонидан ҳар бир бемор учун алоҳида белгиланади. Даволаш самараси юқори бўлиши учун маълум бир қонун-қоидаларга риоя қилиш керак:

- қабул қилиш вақти ва бу вақт ўртасидаги оралиқ:

-овқатланишдан 30 дак олдин ёки овқатланишдан 1 соат кейин;

- ўткир ҳолатларда (в острых случаях) беморни аҳволини яхшилаш учун доириларни қабул қилиш вақти оралиғини янаям узайтириш керак;

- сурункали касалликларни даволашда турли хил гомеопатик дори воситаларини қабул қилиш оралиғидаги вақт 1-2 ойдан кам бўлмаслиги керак;

- агар даволаш жараёни гомеопатик препаратлар ва оддий дори воситалари билан биргаликда олиб борилаётган бўлса, уларни қабул қилиш ўртасидаги вақт 2-3 соатни ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади;

- гомеопатик препаратларни қабул қилиш, беморнинг аҳволи яхшилангандан сўнг тўхтатилади.

Гомеопатик препаратларни қабул қилиш вақтида чекишни камайтириш мақсадга мувофиқдир. Гомеопатик препаратларни қабул қилиш вақти ва чекиш оралиғидани вақт 1 соатдан кам бўлмаслиги керак. Аччиқ чой, кофе, ширинликлар, ёғли, қовурилган ва аччиқ овқатларни ейиш мумкин эмас. Ҳомиладорлик ва кўкрак сути билан эмизиш вақтида гомеопатик препаратларни қабул қилишда врач билан маслаҳатлашиши керак [1].

## 4.1. Гомеопатияга оид қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар

Гомеопатия фармакопеясининг муаллифи доктор Вильмар Швабе ҳисобланади. 1950 йилда унинг ушбу соҳага оид қўлланмаси немисчадан рус тилига таржима қилинган эди.

Гомеопатия қўлланмаси қуйидаги 3 қисмидан иборат:

- Кириш;
- Умумий;
- Махсус

Гомеопатия фармакопеясининг кириш қисмида ушбу қўлланма кўпгина давлатларда тан олинганлиги, гомеопатия лориларини тайёрланишининг ўзига хослиги ва айнан шу қўлланмага қайси доривор воситалар киритилганлиги ҳақидаги умумий маълумотлар ўз аксини топган.Рисоланинг «Умумий қисми» эса А ва Б бўлимлардан иборат.

А – бўлими «Гомеопатик фармация»;

Б – бўлими «Гомеопатия дори воситалари технологияси» деб аталади.

«Гомеопатик фармация» бўлимида гомеопатик дориларнинг манбалари, уларни тайёрлашдаги дастлабки воситалар таърифи, гомеопатик дориларни беморларга бериш, сақлаш қоидалари келтирилган.

***Гомеопатик воситаларнинг ишлаб чиқариш масалалари.*** Масалан, Украина фирмаси "Национальный гомеопатический союз" томонидан чиқарилаётган гомеопатик воситалар (гранулада ).

| | |
|---|---|
| Аденома-гран | Пародонтон |
| Адиексо-гран | Простатор |
| Ангин-гран | Рино-гран |
| Антигриппин | Рост-норма |
| Антистресс | Сон-норма |
| Артро-гран | Склеро-гран |
| Астма-гран | Табакум-плюс |
| Ацидум С | Травма-гран |
| Бронхо-гран | Уро-гран |
| Вес-норм | Холе-гран |

Гайморин Энуран

Гастро-гран

Гельминтон

Гипертон

Гомео-пил

Кардио-гран

Климактон-гран

Масто-гран

1-жадвал

***Украина ва Россия фирмалари томонидан ишлаб чиқариладиган турли хил гомеопатик воситалар жадвали.***

| "Арника" Украина Харьков ш. | НПО "Вилар" Россия | "Алкой" Россия | "Материя Медика" Россия |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| Аллерги- ARN<br>Антигриппин<br>Кордалон<br>Спазминал<br>Сноверин<br>Фаримгол | Сандра | Апогриппин<br>Альгистон<br>Антизаной<br>Анудерм<br>Белахол<br>Белландин<br>Бронхостат<br>Гастроналю<br>Гепатонорм<br>Гиппосед<br>Диетол композитум<br>Плимаксин<br>Невросед<br>Поамгил<br>Неотонэнлар<br>Селенцин<br>Патенцин<br>Псоризер<br>Стоптокс<br>Эхнабел | Авиа море<br>Агри<br>Вернисон<br>Возрастон<br>Диет кафорт<br>КардиоИКа<br>Климаксан<br>Метео плюс<br>Мигрин<br>Млекоин<br>Нетизжог<br>Послегрижин<br>Риносеннай<br>Успокой<br>Феминальгин<br>Шалун |

| | |
|---|---|
| "Эдас"концерн томонидан чиқарилаётган гомеопатик воситалар | Эдас -101,102,103,104,105,106-132,150<br>Эдас-201-203; 306-308; 401-402<br>Эдас-801-802; 903-911,917,919, 924-928<br>Эдас-951-953 |

| | |
|---|---|
| ОАО «Московская фарм.фабрика» томонидан ишлаб чиқарилаётган гомеопатик дорилар: гомеопатик настойкалар | Рус токсикодендрон<br>Гиперикум<br>Фитоляка<br>Гаммамелис<br>Бриония<br>Туйя<br>Бузина<br>Эскулюс<br>Авена |
| Гомеопатик суртмалар | Арника 10%<br>Белладонна 5%<br>Календула 10%<br>Эскулюс 10%-ли<br>"Прополис "5%<br>Хлорэтон суртмаси<br>Далачой 10% суртмаси<br>Гаммамелис 10% суртмаси<br>Сульфур 10% суртмаси<br>Рус 10 суртмаси<br>Бриония 5% суртмаси<br>Ледум 10% суртмаси<br>"Линин" суртмаси |
| Гомеопатик шамчалар | Тирноқгул тиндирмаси билан шамчалар<br>Гаммамелис экстракти билан шамчалар |

## 5.Ўзбекистон Республикасида гомеопатиянинг ривожланиш ҳолати

Комплекс гомеопатик препаратлари чет элда беморни даволашда анчадан бери қўланиллади. Охирги йилларда керакли гомеопатик дори

воситалари  Ўзбекистон дорихоналарида ҳам пайдо бўлди. Улар болаларга, катталарга, қарияларга ёрдам беради.

Гомеопатик дорилар ўзининг аҳамиятлилиги, ҳеч қандай асорат қолдирмаслиги билан ажралиб туради ва уларни асосан ривожланган давлатлар аҳолисида кўпроқ ишлатади.

Ўзбекистон Республикасида «Gomeo-Farm» хусусий илмий ишлаб чиқариш фирмаси (лицензия N 2863, берилган сана 09.01.2003йил) томонидан гомеопатик "Пассицил" ва "Arbio" ( 7та шакли) томчилар дори турида чиқарилган. "Пассицил" невроз ва вегетатив дистонияда ишлатилиб қайдномаси (Рег. Удостоверение N 05/118/2 18/03/2005йил). ARBIO гомеопатик препаратлар нафақат кўп касалликларни даволайди, турли кимёвий дорилар қабул қилишидан воз кечишга ёки камроқ ишлатишга олиб келади.

**ARBIO препаратларини ишлатишга кўрсатма.**

| Препарат | Кўрсатма |
|---|---|
| Arbio-1 | Ўткир нафас йўлларини даволашда (грипп,шамоллаш) |
| Arbio-2 | Ошқозон- ичак фаолияти бузилганда,гастрит |
| Arbio-3 | Камқонликни даволашда |
| Arbio-4 | Юрак қон- томири касалликларида |
| Arbio-5 | Простатит |
| Arbio-6 | Климакс даврида нерв- гормонал системани даволашда |
| Arbio-7 | Нерв системасини даволашда тинчлантирувчи сифатида |

**Замонавий ишлаб чиқарилаётган комплекс гомеопатик препаратлар номеклатураси**

1. Хеель Германия фирмаси. Биринчи бўлиб немец шифокори ва олим Х.Х.Рекевег томонидан ташкил топган.

2.Фармацевтик концерн Веледа (25та филиали бор). Косметик препаратларини ҳам ишлаб чиқаради

3. АҚШ фирмаси Боб Уолш Энтерпрайзис, инк 11 комплекс препаратини чиқаради .

4. Лабор Буарон Франция фирмаси 11та препарат чиқаради

5. Немец гомеопат Союз (Германия) В.Швабе ташкил этган улар асосан Ганеман рецептлари асосида комплекс гомеопат препаратлар ишлаб чиқаради( Россияда 6 таси қайд этилган)

6. Материя Медика Россия фирмасида 26 та препарат ўз номлари билан чиқади, асосан ҳаммасини таркиби 3 та компонентдан иборат

7. Рихард Биттнер Австрия фирмаси

8. Жаҳон Эдас концерни

9. ООО "Гомеопат фармация" Санкт -Петербург ва Россия қўшма фирмаси.

10.НПО Вилар Россияни "Сандра" препарати ва бошқалар .

Комплекс гомеопат препаратлар мустақил равишда бемор томонидан истеъемол қилингани учун уларга кўрсатманинг аҳамияти катта, улар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

| **Фирма номи** | **Давлат номи** | **Гомеопатик воситаси** | **Дори шакли** | **Касаллик** |
|---|---|---|---|---|
| 1. Буарон | Франция | Авенок | Суртма, томчи | Геморрой |
| | | Гастроцинезин | Таблетка | Диспепсия |
| | | Гепатодренол | Томчи | Жигар |
| | | Гомеовокс | Драже | Овоз йўқолиш |
| | | Гомеоплазмин | Суртма | Яралар, Куйган |
| | | Гомеофлю | Таблетка | Грипп |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Поппулин<br>Поризалия<br>Пытюд<br>Стодам<br>Ципадерма | Таблетка<br>Таблетка<br>Таблетка<br>Сироп<br>Суртма | Чайқалиш<br>Ринит<br>Тинчлантирувчи<br>Йўтал<br>Куйган |
| 2. Немец гомеопат союз | Германия | Аурокард<br>Дисменорм<br><br>Инфлюцид<br><br>Календодерм<br>Какадол<br>Климактоплан<br>Менальгин<br>Пасидорм<br>Псорпатен<br>Ревма гель<br>Ринитал<br><br>Тонзилотрен<br>Умкалор<br><br><br>Цинабеин | Томчи<br>Таблетка<br><br>Таблетка<br>Томчи<br>Крем<br>Томчи<br>Таблетка<br>Таблетка<br>Томчи<br>Суртма<br>Гель<br>Томчи<br>Таблетка<br>Таблетка<br>Эритма<br><br><br>Таблетка | Юрак касаллиги<br>Менструал цикл<br><br>Грипп<br><br>Тери касаллиги<br>Бош оғриғи<br>Климакс<br>Дисминорея<br><br>Тери касаллиги<br>Ревматизм<br>Аллергия<br><br>Тонзиллит<br>Қулоқ, томоқ.<br>бурун шамолаши<br><br>Синусит |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3.Биттнер | Австрия | Астма | Томчи | Грипп |
| | | Афлубин | Томчи | Грипп |
| | | Галстена | Томчи | Жигар |
| | | Гентос | Томчи | Простата |
| | | Дурабил -акут | Эритма | Бурунга Дистония |
| | | Дурабил- 8 | Эритма | Бурунга |
| | | Дурабил -хрони | Эритма | Бурунга |
| | | Налеан С | Аэрозоль | Бурунга |
| | | Пумпан | Томчи | Бурунга |
| | | Ременс | Томчи | Менструация бузилиши. |
| 4.Хомиора | Германия | Хомвиокорин N | Томчи | Юрак касаллигига |
| | | Хомвиотензин | Таблетка | Юрак касаллигига |
| 5.Хеель ГМБХ | Германия | Ангин гельС | Таблетка | Тонзиллит |
| | | Ангио инъель | Инъекция | Ишемия |
| | | Берберис гомакорд | Томчи | Сийдик йўллари касалликларда |
| | | Бронхалис хель | Таблетка | Балғам кўчирувчи |
| | | Валериана хель | Томчи | Тичлантирувчи |
| | | Вертиго хель | Томчи | Бош айланиш |
| | | Вибуркол | Шамча | Оғриқ қолдирувчи |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Галиум хель | Томчи | Иммунитет |
| | | Гастрикухмель | Таблетка | Гастрит |
| | | Гепар композитум С | Инъекция | Жигар |
| | | Гинеко хель | Томчи | Польпит |
| | | Гормель С | Томчи | Менструация бузилиши |
| | | Грипп хель | Таблетка | Грипп |
| | | Густель | Томчи | Аллергия |
| | | Дискус композитум | Инъекция | Остеохондроз |
| | | Дуодено хель | Таблетка | Ўн икки бармоқли ичак |
| | | Климакт хель | Таблетка | Климакс |
| | | Коралонин | Томчи | Юрак |
| | | Коэнзим композитум | Инъекция | Захарланишга (Интоксикация) |
| | | Леитандра композитум | Томчи | Ошқозонга (гастро) |
| | | Лимфомиозот | Томчи | Лимфа тизимига |
| | | Мукоза композитум | Инъекция | Ошқозон ичак йўлига |
| | | Нерво хель | Таблетка | Депрессия |
| | | Нукс вомика | Томчи | Колит |
| | | Популюс композитум | Томчи | Цистит |
| | | Псорино хель | Томчи | Тери, жигар |
| | | Ренель | Таблетка | Сийдик йўли |
| | | Сабаль гомакорд | Таблетка | Простата |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Спаскукрель | Томчи | Спазм |
| | | Спигелон | Таблетка | Оғриқ қолдирувчи |
| | | Тартефедрель | Томчи | Аллергия |
| | | Траумель С | Суртма<br>Таблетка<br>Инъекция | Подагра |
| | | Убихинон композитум | Инъекция | Ўсма |
| | | Хелидониум Гомакорд | Томчи | Сариқ гепатит |
| | | Хекель | Таблетка | Сафро чиқарувчи |
| | | Цель Т | Суртма<br>Таблетка<br>Инъекция | Артрозлар |
| | | Церебрум компазитум | Инъекция | Бош мия |
| | | Эскулюс композитум | Томчи | Тромбофлебит, геморрой |
| | | Энгистол | Томчи | Сепсис |
| | | Эуфорбиум композитум | | |
| | | Назентроифен С | Аэрозол | Ринит |
| | | Эхинацея композитум С | Инъекция | Иммунитет |
| | | Форте С | Инъекция | Иммунитет |
| Бионорика | Германия | Мастодинон | Томчи, таблетка | Менструал циклни бузи-лиши,мастопатия |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Климадинон | Томчи, таблетка | Климактерик синдром |
| | | Бронхипрет | Сироп | Балғам кўчирувчи |
| | | Тонзилгон | Томчи, драже | Юқори нафас йўллари касалликлари |
| | | Синупрет | Томчи, таблетка | Бурун касаллиги |
| | | Тонзипрет | Томчи | Томоқ оғриғи |
| Боб Уолш Энтерпрайзис Инк | АҚШ | Биолайн аллержи | Таблетка | Аллергия |

АҚШга тегишли бўлган Боб Уолш Энтерпрайзис Инк фирмаси томонидан турли хилдаги гомеопатик воситалар ишлаб чиқарилади. Улар хар хил касалликларни даволашда ишлатилади. Масалан, артрит, оғриқ қолдирувчи, грипп, чекишни ташлаш учун детоксикация, инсомниа, кандида, нерв касалликларида, шамолаш, простата каби касалликларни даволаш учун гомеопатик дорилар ишлаб чиқаради.

## 6.Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрига (23.12.2021) охирги киритилган гомеопатик препаратлар, чет эл ишлаб чиқарувчилар ва гомеопатик препаратлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестридаги охирги маълумотлар бўйича гомеопат препаратларини чет эл ишлаб чиқарувчилар қайдномаси ва гомеопатик дори воситалари (3-жадвал)

3-жадвал

| **Фирма номи** | **Давлат номи** | **Гомеопатик воситаси** | **Дори шакли** | **Касаллик** |
|---|---|---|---|---|
| Биттнер | Австрия | Афлубин<br>Галстена<br>Гентос<br>Нотта | Томчи<br>Томчи<br>Томчи<br>Томчи | Грипп<br>Жигар<br>Простата<br>Тинчлантирувчи |
| Бхаргава фитолаб Pvt.Ltd | Индия | Газ офф<br><br>Кидфлейм<br><br>Менифиб<br><br>Просторол<br><br><br>Синусет | Таблетка<br><br>Таблетка<br><br>Таблетка<br><br>Таблетка<br><br><br>Таблетка | Метеоризм, рефлюкс-эзофагит<br>Урологик касалликлар<br>Менструал циклни бузииши,мастопатия<br>Простата бези-нингоғриқли яллиғ-ланишида<br>Синусит |
| Алпен Фарма GmbH | Германия | Тонзилотрен А | Таблетка | Томоқ оғриғи |
| Биологисче Хелимиттел Хилл GmbH | Германия | Траумель С<br><br>Цель Т<br><br>Энгистол | Яллиғланиш жараёни, травма<br>Таянч-харакат тизими касаллиги<br>Шамоллаш ва грипп | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Материа Медика Холдинг, НПФ, ООО | Россия | Климаксан гомеопатический<br><br>Млекоин<br><br>Фарингомед | Таблетка, гранула<br><br>Гранула<br><br>Таблетка | Климактерик синдром<br><br>Эмизикли аёлларда сут етишмовчилиги<br><br>Томоқ оғриғи |

# II БОБ. РЕЦЕПТСИЗ СОТИЛАДИГАН ГОМЕОПАТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

## Нафас йўллари патологиясини даволашда қўлланилувчи воситалар

### *ЎРК белгиларини бартараф қилиш учун дори воситалар*

**АФЛУБИН (AFLUBIN)**

**таблеткалари**

**(мажмуавий гомеопатик препарат)**

**Препаратнинг савдо номи:** Афлубин

**Дори шакли:** гомеопатик тил ости таблеткалари

**Таркиби:** 1 таблетка (250 мг) қуйидагиларни сақлайди:

*Фаол моддалар:* Горечавка (Gentiana) D1 - 3,6 мг, Аконит (Aconitum) D6 - 37,2 мг, Бриония (Bryonia) D6 - 37,2 мг, Темир фосфат (Ferrum phosphoricum) D12 – 37,2 мг, Сут кислотаси (Acidum sarcolacticum) D12 – 37,2 мг.

*Ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, картошка крахмали, магний стеарати.

**Таърифи:** оқ рангли, ҳидсиз, думалоқ ясси цилиндрик шаклли фаска ва рискали таблеткалар.

**Қўлланилиши:** грипп, парагриппоз ва ўткир респиратор касалликларни (ЎРК) мажмуавий даволашда, ҳамда уларни режали ва шошилинч олдини олиш учун.

Бўғим оғриқлари синдроми билан кечадиган яллиғланиш ва ревматик касалликларни даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:** препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

**Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши:** ҳомиладорлик ва лактация даврида препарат шифокор тавсияси бўйича қўлланади.

**Қўллаш усули ва дозалари:**

Энг юқори самарага эришиш учун АФЛУБИН ни овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин қабул қилиш керак, таблеткани тўлиқ эриб кетгунича тил тагида тутиб туриш лозим.

| **Ёш** | **Доза (бир** | **Қабул қилиш сони** | **Қўллаш усули** |
|---|---|---|---|
| **ЎРК ёки грипп билан касалланишнинг 1, 2-кунлари** | | | |
| Катталар ва | 1 таблетка | Кунига 3 дан 8 мартагача (кўпи | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат |
| 12 ёшгача бўлган | 1/2 таблетка | Кунига 3 дан 8 мартагача (кўпи | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |
| 1 ёшгача бўлган болалар | 1/2 таблетка | Кунига 3 дан 8 мартагача (кўпи билан). | 1 чой қошиқ. сув ёки она сутида суюлтириб 1 томчидан эмизишдан 30 |
| **ЎРК ёки гриппнинг клиник кўринишларини кейинги даволаш** | | | |
| Катталар ва | 1 таблетка | Кунига 3 марта 5-10 кун давомида. | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |
| 12 ёшгача бўлган | 1/2 таблетка | Кунига 3 марта 5-10 кун давомида. | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |
| 1 ёшгача болала | 1/2 таблетка | Кунига 3 марта 5-10 кун давомида. | 1 чой қошиқ сув ёки она сутида суюлтириб, эмизишдан 30 минут олдин |
| **Йилнинг совуқ даврини бошланишида касалликни зўрайишини Режали олдини олиш** | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Катталар ва | 1 таблетка | Кунига 2 марта 3 ҳафта давомида. | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |
| 12 ёшгача бўлган | 1/2 таблетка | Кунига 2 марта 3 ҳафта давомида. | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат |
| 1 ёшгача бўлган болалар | 1/2 таблетка | Кунига 2 марта 3 ҳафта давомида. | 1 чой қошиқ сув ёки она сутида суюлтириб, эмизишдан 30 минут олдин |
| **Шошилинч олдини олиш – дарҳол касал билан алоқада бўлгандан кейин ўтказилади** | | | |
| Катталар ва | 1 таблетка | Кунига 2 марта 2 кун. | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат |
| 12 ёшгача болалар | 1/2 таблетка | Кунига 2 марта 2 кун. | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |
| 1 ёшгача болалар | 1/2 таблетка | Кунига 2 марта 2 кун. | 1 чой қошиқ, сув ёки она сутида суюлтириб, эмизишдан 30 минут олдин |
| **Бўғим оғриқлари синдроми билан кечадиган яллиғланиш ва ревматик касалликларни даволаш** | | | |
| Катталар ва ўсмирлар | 1 таблетка | Даволашнинг бошида кунига 3-8 марта (1,2-кунлари), кейинги | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |
| 12 ёшгача бўлган болалар | 1/2 таблетка | Даволашнинг бошида кунига 3-8 марта (1,2-кунлари),кейинги | Овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин |

**Ножўя таъсири:** шу вақтгача ножўя таъсирларнинг пайдо бўлиши қайд қилинмаган.

**Дозани ошириб юборилиши:** доза ошириб юборлган ҳоллари шу вақтгача қайд қилинмаган.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири:** препаратнинг бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири ўрганилмаган.

**Чиқарилиш шакли:** ПВХ/ПВДХ алюмин фольга блистерда 12 таблеткадан. 1, 2, 3 ёки 4 блистер ва тиббиётда қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити:** 25°Сдан юқори бўлмаган ҳароратда, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин. Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Сақлаш муддати:** 3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили:** «Рихард Биттнер АГ», Кернтнер Ринг 11-13, А-1010, Вена, Австрия.

## Болалар учун АНАФЕРОН (Anaferon for kids)

**Савдо номи.** Болалар учун Анаферон

**Дори шакли.** Гомеопатик таблеткалар

**Таркиби.** *Одам гамма-интерферонига аффинли тозаланган антителалар:* С12, С30 ва С50 - гомеопатик суюлтирмаларнинг аралашмаси - 0,003 г.

*Ёрдамчи моддалар*: Лактоза, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи.** Оқдан то деярли деярли оқ ранглигача бўлган, риска ва фаскали, яссицилиндрик шаклли таблеткалар. Ясси рискали юзасида MATERIA MEDICA ёзуви, бошқа томонида ANAFERON KIDS ёзуви туширилган.

**Фармакотерапевтик гуруҳи.**

Иммуномодулловчи ва вирусларга қарши восита.

**АТХ коди.** L03AX

**Фармакологик таъсири.** Иммунмодулловчи ва вирусларга қарши таъсир кўрсатади. Гуморал ва хужайра иммун жавобини рағбатлантиради. Антителалар ишлаб чиқарилишини оширади (секретор IgA ни ҳам қўшиб), Т-эффекторлар ва Т-хелперлар (Тх) фаолиятини фаоллаштиради. Т-хелперлар ва бошқа иммун жавобида иштирок этадиган хужайралар функционал заҳирасини оширади. Эндоген «эрта» интерферонлар (a/b) ва гамма-

интерферонларнинг (ИФНу) ҳосил бўлишини индуциялайди. Иммун жавобининг Тх1 ва Тх2 турларини аралаш индуктори ҳисобланади: Тх1 (ИФНу, ИЛ-2) ва Тх2 (ИЛ-4, 10) цитокинларнинг ишлаб чиқарилишини оширади, Тх1/Тх2 мувозанати фаолликларини меъёрлаштиради (модуллайди). Фагоцитлар ва NK хужайраларининг функционал фаоллигини оширади. Шикастланган хужайраларда вирусларнинг концентрациясини камайтиради. Антимутаген хусусиятларга эга.

**Қўлланилиши.** Ўткир респиратор вирус инфекцияларини, гриппни, тери ва шиллиқ қаватларининг герпетик шикастланишни олдини олиш ва даволаш (мажмуавий даволаш таркибида). ЎРВИ, грипп асоратларини олдини олиш ва даволаш (мажмуавий даволаш таркибида). ЎРВИ, грипп, герпетик инфекцияларини тез-тез (қайталаниши) натижасида пайдо бўладиган иккиламчи иммун танқислиги ҳолатларини мажмуавий даволаш таркибида қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.** Препарат компонентларига юқори шахсий сезувчанлик, 6 ойликкача бўлган (клиник маълумотларнинг етишмаслиги сабабли) болалар.

**Қўллаш усули ва дозалари.** Препарат бир қабулга 1 таблеткадан овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки қабул қилгандан кейин 30 минут ўтгач қўлланади.

Таблетка тўлиқ эригунича тил остида (иложи борича чайнамасдан ва ютмасдан) тутиб турилиши керак.

*Препаратни кичик ёшдаги болаларга (6 ойликдан 3 ёшгача):* таблеткани оз миқдордаги хона ҳароратидаги қайнатилган сувда (1 ош қошиқ) эритиш тавсия қилинади. Даволашни иложи борича эрта-ўткир вирус инфекциясининг биринчи белгилари пайдо бўлганида қуйидаги схема бўйича бошлаш керак: препарат биринчи 2 соатда овқат қабулига боjлиқ бўлмаган ҳолда ҳар 30 минутда қабул қилинади; сўнгра препарат биринчи сутка давомида тенг вақт оралиjида яна 3 марта қабул қилинади. Иккинчи суткадан бошлаб ва кейинчалик 1 таблеткадан кунига 3 марта тўлиқ тузалгунча қабул қилинади.

Препарат билан даволашнинг учинчи куни яхшиланиш бўлмаса, шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Олдини олиш мақсадида препарат ҳар куни 1 таблеткадан кунига 1 марта 3 ой давомида қабул қилинади (эпидемиологик мавсум давомида).

**Ножўя таъсири.** Препарат ушбу кўрсатишлар бўйича, кўрсатилган дозаларда ишлатилганида ножўя таъсирлари аниқланмаган.

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Дозани ошириб юборилиши.** Тасодифан доза ошириб юборилганида препарат таркибига кирувчи тўлдирувчилар билан боjлиқ бўлган диспепсик кўринишлар бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири.** Ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан номутаносиблик ҳоллари аниқланмаган. Зарурати бўлганида препаратни бошқа вирусларга қарши, антибактериал ва симптоматик воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

**Махсус кўрсатмалар.** Ҳар қандай дори воситасини кичик ёшдаги болаларда ишлатиш шифокор кузатувини талаб қилади. Препаратнинг таркибига лактоза киради, шунинг муносабати билан уни туғма галактоземияси, глюкоза ва галактозанинг кам сўрилиш синдроми ёки туғма лактоза етишмовчилиги бўлган пациентларга буюриш тавсия этилмайди.

**Чиқарилиш шакли.** Гомеопатик таблеткалар. 20, 50 таблеткадан витаминлар ва дори воситалари учун бурама оjизли ва бурама қопқоқли полимер банкаларда ёки витаминлар ва дори воситалари учун биринчи очиш назоратили, тортилувчи қопқоқли хушбўйли полимер банкаларда.

20 таблеткадан поливинилхлорид плёнка ва алюмин фольга контур уяли ўрамда. 1 ёки 2 контур уяли ўрам (ҳар бири 20 таблеткадан) ёки ҳар бир банка қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити.** Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25 $^{0}$С дан юқори бўлмаган ҳароратда. Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати** 3 йил.

Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг ишлатилмасин.

**Ишлаб чиқарувчи.** «НПФ «Материа Медика Холдинг» МЧЖ; 127473, Россия, Москва ш., 3-й Самотечный пер., 9 уй. Тел/факс (495) 684-43-33.

## АНАФЕРОН
## (ANAFERON)

**Савдо номи:** Анаферон

**Дори шакли:** Сўриш учун гомеопатик таблеткалар.

**Таркиби**

Аффин тозаланган одам гамма-интерферонига қарши антитела: С12, С30 ва С200 гомеопатик суюлтиришлар аралашма.

Ёрдамчи моддалар – лактоза, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи**

Оқдан кремсимон оқ ёки кулранг тусли оқ рангли, яссицилиндрик шаклли, четлари риска ва фаскали, бир текис силлиқ юзали таблеткалар.

Рискали ясси томонида MATERIA MEDICA ёзуви, бошқа ясси юзасида ANAFERON ёзуви бор.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Иммунрағбатлантирувчи гомеопатик восита.

АТХ коди: L03AX

**Фармакологик хусусиятлари**

Препарат олдини олиш ва даволаш учун қўлланганида иммунрағбатлантирувчи ва вирусларга қарши таъсир кўрсатади. Гуморал ва ҳужайра иммун жавобини рағбатлантиради. Антителаларнинг ишлаб чиқарилишини оширади (секретор IgA ни ҳам қўшиб), Т-эффектлар, Т-хелперлар (Тх) фаолиятини фаоллаштиради. Иммун жавобида қатнашадиган Т-хелперлар ва бошқа ҳужайраларининг функционал заҳирасини оширади. Эндоген (эрта) интерферонни ($\alpha/\beta$) ва гамма интерферонларни (ИФН$\gamma$) ҳосил бўлишини индукциялайди. Иммун жавобини

аралаш Тх1 ва Тх2 турларининг индуктори ҳисобланади: Тх1 (ИФНγ, ИЛ-2) ва Тх2 (ИЛ-4, 10), цитокинларнинг ишлаб чиқарилишгини оширади, Тх1/Тх2 фаоллигини меъёрлаштиради (модуллайди). Фагоцитлар ва NK ҳужайраларининг функционал фаоллигини оширади. Шикастланган ҳужайралардаги вирусларнинг концентрациясини пасайтиради. Антимутаген хусусиятларга эга.

**Қўлланилиши**

Грипп, ЎРВИ, юқори нафас йўлларининг инфекцияларини (ринитлар, фарингитлар, ларингитлар, трахеобронхитлар) олдини олиш ва даволаш. Сурункали қайталанувчи герпес - вирусли инфекцияларни, шу жумладан оддий генитал учуқни мажмуавий даволаш ва олдини олиш. Турли этиологияли иккиламчи иммунтанқислиги ҳолатини даволаш. Вирусли ва бактериал инфекцияларнинг асоратларини олдини олиш ва даволаш.

**Қўллаш усули ва дозалари:** Ичга. Бир қабул учун – 1 таблеткани (оғизда тўлиқ эриб тутиб турилади) овқат қабул қилишдан қатъий назар.

*ЎРВИ.* Даволаш касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан қуйидаги схема бўйича бошланади: биринчи 2 соатда – 1 таблеткадан ҳар 30 минутда; сўнгра биринчи сутка давомида тенг вақт оралиғи билан яна 3 таблетка. Иккинчи суткадан ва кейин препарат 1 таблеткадан кунига 3 марта тузалгунча қабул қилинади. Препарат билан даволашнинг учинчи куни яхшиланиш бўлмаса шифокорга мурожаат қилиш лозим. Олдини олиш мақсадида кунига 1 мартадан, ҳар куни 1-3 ой давомида (бутун эпидмавсуми давомида) қабул қилинади.

*Герпес.* Ўткир генитал герпес белгиларида тенг вақт оралиғида қуйидаги схема бўйича қўлланади: 1-3 куни – суткада 8 марта, 4-5 куни суткада 7 марта, 6-7 куни – суткада 6 марта, 8-9 куни – суткада 5 марта, 10-1 куни – суткада 4 марта. Даволашнинг 12 кунидан то 21 кунигача суткада 3 марта. қайталанишларни олдини олиш учун - 1 таблеткадан кунора. Тавсия қилинадиган профилактик курсининг давомийлиги – 6 ой.

Зарурати бўлганда препаратни бошқа вирусларга қарши ва симптоматик воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

**Ножўя таъсири**

Аллергик реакциялар.

**Қўллаш мумкин бўлмаган холатлар**

Юқори шахсий сезувчанлик, ҳомиладорлик.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Бошқа фармакологик воситалари билан номутаносиблик ҳоллари аниқланмаган.

**Чиқарилиш шакли**

20 таблеткадан контур уяли ўрамда қўллаш йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтганидан сўнг ишлатилмасин.

**Сақлаш шароити**

қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, болалар олаолмайдиган жойда, +25$^0$С дан юқори бўлмаган ҳароратда.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

«НПФ «Материа Медика Холдинг» МЧЖ
105064 Россия, Москва, Яковоапостольский пер., 11-13,
тел/факс (095) 916-33-02, 956-33-07

**Бронхипрет®**

**препаратини тиббиётда қўллаш бўйича**

**ЙЎРИҚНОМА**

**Қайд қилиш рақами:** ЛС-000182

**Препаратнинг савдо номи:** Бронхипрет®

**Дори шакли:** Ичга қабул қилиш учун томчилар.

**Таркиби:**

100 г Бронхипрет® томчилари сақлайди:

Фаол компонентлар:

| | |
|---|---|
| Тоғжамбил ўтининг суюқ экстракти<br>(DAB 10* бўйича экстракция қилувчи модда 1:2-2,5) | 50 г |
| Печак баргларининг настойкаси<br>(1:5; экстракция қилувчи модда: этанол 70% ҳажм нисбатида) | 15 г |

Этанолнинг миқдори: 19% (ҳажм нисбатида).

*Ёрдамчи моддалар:* сахарин натрий дигидрати, лимон кислотаси моногидрати, тозаланган сув.

**Таърифи**

Оч-жигарранг рангли, тиниқ, тоғжамбил ҳидли суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Ўсимликлардан олинадиган балғам кўчирувчи восита.

**АТХ коди:** R05CA10.

**Фармакологик хусусиятлари**

Препарат балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши, секретолитик, бронхолитик таъсир кўрсатади, балғамнинг қовушқоқлигини камайтиради ва унинг чиқарилиб юборилишини тезлашишига ёрдам беради.

**Қўлланилиши**

Балғам кўчирувчи восита сифатида, йўтал ва балғам ҳосил бўлиши билан кечадиган нафас йўлларининг ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликларини (трахеит, трахеобронхит, бронхит) даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик, 6 ёшгача бўлган болалар. Этанол мавжудлиги туфайли, препаратни алкоголизмда, тутқаноқда, жигар касалликларида, бош мия жароҳатлари ва касалликларида буюриш тавсия этилмайди.

**Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши.**

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қабул қилиш тавсия этилмайди.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат овқатдан сўнг, ичишга буюрилади.

Катталарга: 40 томчидан кунига 4 марта.

Ўсмирларга (12-18 ёш): 28 томчидан кунига 4 марта.

Мактаб ёшидаги болаларга (6-11 ёш): 25 томчидан кунига 4 марта.

Даволаш курси – 10-14 кун. Даволаш курсининг давомийлигини узайтириш ва такрорий даволаш шифокор тавсиясига биноан мумкин.

**Ножўя таъсирлари**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Дозани ошириб юборилиши**

Доза ошириб юборилганда меъда соҳасида оғриқлар, қайт қилиш, диарея бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Бронхипрет® томчиларини йўталга қарши препаратлар, шунингдек балғам ҳосил бўлишини камайтирадиган дори воситалар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас, чунки бу суюлган балғамни ажралиб чиқишини қийинлаштиради. Антибактериал дори воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

**Махсус кўрсатмалар**

Агарда препарат 10-14 кун давомида қўллаганида касалликнинг симптомлари сақланса, маслаҳат учун шифокорга мурожаат қилиш лозим. Препарат 19% этанол сақлайди (ҳажм нисбатида). Катталар учун тавсия этиладиган препаратнинг максимал бир марталик дозаси (50 томчи=2,6 мл) 0,39 г алкоголь сақлайди. Препаратни болаларга эҳтиёткорлик билан буюриш керак (этанолнинг салбий таъсири сабабли).

Препарат қандли диабети бўлган беморларга буюрилиши мумкин, чунки бир марталик доза 0,03 дан кам нон бирлигини сақлайди. Узоқ муддат сақланганида Бронхипрет® томчилари хиралашиб қолиши мумкин, лекин бу унинг самарадорлигига таъсир этмайди.

Ишлатиш олдидан флакон ичидагисини чайқатиш лозим.

**Чиқарилиш шакли**

Ичга қабул қилиш учун томчилар: тўқ шишадан тайёрланган 50 ёки 100мл ҳажмли, устида дозаловчи томчилаш мосламаси бўлган, ҳимоя ҳалқали, бураладиган қопқоқли тўқ шиша флаконларда қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга йиғиладиган картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25$^{0}$С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

**БИОНОРИКА АГ**

D-92318 Ноймаркт/Германия

Кершенштайнерштрассе 11-15

92318 Ноймаркт

Германия

**Бронхипрет®**

**препаратини тиббиётда қўллаш бўйича**

**ЙЎРИҚНОМА**

**Қайд қилиш рақами:** ЛС-000181

**Препаратнинг савдо номи:** Бронхипрет®

**Дори шакли:** сироп.

**Таркиби:**

100 г сироп сақлайди:

Фаол компонентлар:

Тоғжамбил (Thymus vulgaris) ўтининг суюқ экстракти

(DAB 10* бўйича экстракция қилувчи модда 1:2-2,5) 15 г

Печак барглари (Hedera helix) нинг суюқ экстракти

(1:1; экстракция қилувчи модда: этанол 70% ҳажм нисбатида) 1,5 г

Этанолнинг миқдори: 7% (ҳажм нисбатида).

*Ёрдамчи моддалар:* тозаланган сув, мальтит сиропи, калий сорбити, лимон кислотаси моногидрати.

**Таърифи**

Оч-жигарранг рангли, тиниқ хушбўй суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Ўсимликлардан олинадиган балғам кўчирувчи восита.

**АТХ коди:** R05CA10.

**Фармакологик хусусиятлари**

Препарат балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши, секретолитик, бронхолитик таъсир кўрсатади, балғамнинг қовушқоқлигини камайтиради ва унинг чиқариб юборилишини тезлашишига ёрдам беради.

**Қўлланилиши**

Балғам кўчирувчи восита сифатида, йўтал ва балғам ҳосил бўлиши билан кечадиган нафас йўлларининг ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликларини (трахеит, трахеобронхит, бронхит) даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик, болалик ёши (3 ойликкага). Этанол мавжудлиги туфайли, препаратни алкоголизмда,

тутқанокда, жигар касалликларида, бош мия жароҳатлари ва касалликларида буюриш тавсия этилмайди.

**Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши.**

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қабул қилиш тавсия этилмайди.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат овқатдан сўнг, ичишга буюрилади.

**Ёшга мувофиқ буюришда:**

3 ойликдан 12 ойликкача бўлган болаларга:

10-16 томчидан кунига 3 марта.

1 ёшдан ошган болаларга:

17 томчидан (ҳаётининг ҳарбир қўшимча йилига 3 томчидан қўшиб борилади) кунига 3 марта.

**Тана вазнига мувофиқ буюришда:**

3 ойликдан 12 ойликкача бўлган болаларга:

10-16 томчидан кунига 3 марта.

1 ёшдан ошган болаларга: (томчиларнинг умумий сони тана вазнининг 1 кг га 1 томчи+10 томчи) дан кунига 3 марта.

| **Ёш (йиллар)** | **Тахминий вазни (кг)** | **Томчилар сони (бир марталик доза)** |
|---|---|---|
| 3 дан 12 ойликкача | 10 гача | 10-16 |
| 1-2 | 10-11 | 17 |
| 2-3 | 12-13 | 20 |
| 3-4 | 14-15 | 23 |
| 4-5 | 16-18 | 26 |
| 5-6 | 19-20 | 29 |
| 6-7 | 21-23 | 32 |
| 7-8 | 24-25 | 35 |
| 8-9 | 26-28 | 38 |
| 9-10 | 29-31 | 41 |

| | | |
|---|---|---|
| 10-11 | 32-34 | 44 |
| 11-12 | 35-37 | 47 |
| 12-13 | 38-39 | 50 |

Агарда тана вазни жадвалда кўрсатилган мазкур ёш тоифасидан анча фарқ қилса, унда препаратнинг буюрилиши фақат пациентнинг тана вазнига мўлжалланган бўлиши лозим.

**Қўшиб берилган ўлчамли стаканча ишлатилганида:**

3 ойдан 12 ойгача бўлган болалар - 1,1 мл дан кунига 3 марта

1 ёшдан 2 ёшгача - 2,2 мл дан кунига 3 марта

2 ёшдан 6 ёшгача - 3,2 мл дан кунига 3 марта

6 ёшдан 12 ёшгача - 4,3 мл дан кунига 3 марта

12 ёшдан ўсмирлармлар ва катталар - 5,4 мл дан кунига 3 марта

Суюлтирилмаган Бронхипрет® сиропини сув билан ичиш тавсия этилади. Даволаш курси – 10-14 кун. Даволаш давомийлигини кўпайтириш ва такрорий даволаш курсларини ўтказиш шифокорнинг тавсияси бўйича мумкин.

**Ножўя таъсирлари**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Дозани ошириб юборилиши**

Доза ошириб юборилганида меъда соҳасида оғриқлар, қайт қилиш, диарея бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Бронхипрет® сиропини йўталга қарши препаратлар, шунингдек балғам ҳосил бўлишини камайтирадиган дори воситалар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас, чунки бу суюлган балғамни ажралиб чиқишини қийинлаштиради. Антибактериал дори воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

**Махсус кўрсатмалар**

Агарда препарат 10-14 кун давомида қўллаганида касалликнинг симптомлари сақланса, маслаҳат учун шифокорга мурожаат қилиш лозим. Препарат 7% этанол сақлайди (ҳажм нисбатида). Катталар учун максимал тавсия этиладиган препаратнинг бир марталик дозаси (5,4 мл) 0,297 г алкоголь

сақлайди. Препарат қандли диабети бўлган беморларга буюрилиши мумкин, чунки 1 марталик доза 0,03 дан кам нон бирлигини сақлайди. Узоқ муддат сақланганида Бронхипрет® сиропи хиралашиб қолиши мумкин, лекин бу унинг самарадорлигига таъсир этмайди. Ишлатиш олдидан флакон ичидагисини чайқатиш лозим.

**Чиқарилиш шакли**

50 ёки 100 мл ҳажмли, дозаловчи томчи мосламаси, ҳимоя ҳалқали, бураладиган қопқоқли тўқ шиша флаконлардаги сироп, устида ўлчамли стаканчаси, ҳамда қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга йиғиладиган картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити**

қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, $25^0$С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

**БИОНОРИКА АГ**

D-92318 Ноймаркт/Германия

Кершенштайнерштрассе 11-15

92318 Ноймаркт

Германия

**Бронхипрет® ТП**

**препаратини тиббиётда қўллаш бўйича**

**ЙЎРИҚНОМА**

**(истеъмолчилар учун маълумот)**

**Қайд қилиш рақами:** ЛС-001464 31.03.2006

**Препаратнинг савдо номи:** Бронхипрет® ТП

**Дори шакли:** қобиқ билан қопланган таблеткалар.

**Таркиби:**

қобиқ билан қопланган 1 Бронхипрет® ТП таблеткаси сақлайди:

Наврўзгул илдизининг қуруқ экстракти (Primulae radix) (6.0-7.0:1)

(экстрация қилувчи модда: этанол 47,4% ҳажм нисбатида) - 60 мг

тоғжамбилнинг қуруқ экстракти (5,9-10,0:1)

(экстрация қилувчи модда: этанол 70% ҳажм нисбатида) - 160 мг

*Ёрдамчи моддалар:* диметикон, лактоза моногидрати, глюкоза сиропи, юқори дисперсли кремний диоксиди, микрокристалли целлюлоза, магний стеарати, метилгидрооксипропил целлюлоза, ялпиз ароматизатори, (поли (1-винил-2-пирролидон), поли (1-винил-2-пирролидон) очиқ ҳалқа орқали боғланган, поли (этилакрилат – метилметакрилат) 2:1, пропиленгликоль, натрий сахарини, тальк, рибофлавин (Е 101), хлорофилл кукуни (Е 141), титан диоксиди (Е 171).

**Таърифи**

Яшил рангли, юзаси ярим хира, икки томони қабариқ, думалоқ шаклли таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Ўсимликлардан олинадиган балғам кўчирувчи восита.

**АТХ коди:** R05CA10.

**Фармакологик хусусиятлари.** Препарат балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши, секретолитик, бронхолитик таъсир кўрсатади, балғамнинг қовушқоқлигини камайтиради ва унинг чиқариб юборилишини тезлашишига ёрдам беради.

**Қўлланилиши**

Балғам кўчирувчи восита сифатида, йўтал ва балғам ҳосил бўлиши билан кечадиган нафас йўлларининг ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликларини (трахеит, трахеобронхит, бронхит) даволашда.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик, меъда-ичак йўлларининг касалликлари (зўрайиш бочқичида), 12 ёшгача бўлган болалар.

**Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши.**

Препаратни ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қабул қилиш тавсия этилмайди.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Ичга, катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга овқатдан олдин 1 таблеткадан кунига 3 марта. Таблеткаларни чайнамасдан, оз миқдордаги сув билан ичиш лозим. Ўртача даволаш курси – 10-14 кун. Даволаш давомийлигини кўпайтириш ва такрорий даволаш курсларини ўтказиш шифокорнинг тавсияси бўйича мумкин.

**Ножўя таъсири**

Аллергик реакциялар: кам ҳолларда - кўнгил айнаши.

**Дозани ошириб юборилиши**

Доза ошириб юборилганида меъда соҳасида оғриқлар, қайт қилиш, диарея бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Бронхипрет® ТП таблеткаларини йўталга қарши препаралар, шунингдек балғам ҳосил бўлишини камайтирадиган дори воситалар билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас, чунки бу суюлган балғамни ажралиб чиқишини қийинлаштиради. Антибактериал дори воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

**Махсус кўрсатмалар**

Агарда препарат 10-14 кун давомида қўллаганда касалликнинг симптомлари сақланса, маслаҳат учун шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Препарат қандли диабети бўлган беморларга буюрилиши мумкин, чунки 1 қобиқ билан қопланган таблетка 0,03 дан кам нон бирлигини сақлайди.

**Чиқарилиш шакли**

қобиқ билан қопланган таблеткалар. 20 ёки 25 таблеткадан алюмин фольга (пастки қисми) ва поливинилхлорид поливинилиденхлорид плёнка (юқори қисми) блистерларда.

1 та (20 таблеткадан), 2 та (25 таблеткадан), 4 та (25 таблеткадан) ёки 5 та (20 таблеткадан) дан блистерлар қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга йиғиладиган картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити**

қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, $25^0$C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

**БИОНОРИКА АГ**

D-92318 Ноймаркт/Германия

Кершенштайнерштрассе 11-15

92318 Ноймаркт

Германия

**СИНУПРЕТ ® (**Sinupret®)

**Препаратнинг савдо номи.** Синупрет®

**Дори шакли.**

*Ичга қабул қилиш учун томчилар ва д*раже

**Таркиби.**

*100 г препаратда қуйидагилар мавжуд.*

*Ўсимлик хом ашёсидан ташкил топган 29 г сувли спиртли ажралмалар:*

| | |
|---|---|
| Gentianae radix (горечевка илдизи) | -0,2 г |
| Primulae flos (первоцвет гули саватчаси билан) | -0,6 г |
| Rumicis herba (шовил ўти) | -0,6 г |
| Sambuci flos (бузина гули) | -0,6 г |
| Verbenae herba (вербена ўти) | -0,6 г |
| Этанол миқдори | -16,0-19,0% (ҳажм нисбатида) |

*1 драже таркибида қуйидаги мавжуд.*

*Қуритилган доривор ашёлар кукун шаклида:*

| | |
|---|---|
| Gentianae radix (горечевка илдизи) | -6 мг |
| Primulae flos (первоцвет гули саватчаси билан) | -18 мг |
| Rumicis herba (шовил ўти) | -18 мг |
| Sambuci flos (бузина гули) | -18 мг |
| Verbenae herba (вербена ўти) | -18 мг |

**Қўшимча ингредиентлар.**

Карбонат кальций, канакунжит мойи, коллоидли сувсиз кремнезем, эудрагит Е100, желатин, глюкозали сироп, лактоза, зич бўлмаган магний оксиди, маисли крахмал, декстрин, мантан гликол мўми, картошка крахмали, поливидон К25, тозаланган сув, шеллак, сорбит, стеарин кислотаси, сахароза, тальк, титан икки оксиди, сувсиз натрий карбонати, Е104, Е132 бўёвчилари.

**Таърифи.**

*Ичиш учун томчилар.* Шаффоф сарғиш-жигарранг аччиқ таъмли хушбўй ҳидли суюқлик. сақлаш даврида бир оз чўкма ҳосил қилиши мумкин.

*Драже.* Доира шаклидаги икки томонлама қабариқ юзаси силлиқ яшил рангли.

**Фармакотерапевтик гуруҳи.** Секретолитик воситаси.

**АТХ коди.** R05CA10

**Фармакологик хусусиятлари.**

Комбинирланган ўсимлик препарати. Препаратни фармакологик хусусиятларини уни таркибидаги биологик фаол моддалар белгилайди. Синурет® секретолитик, секретомотор ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Бурунни қўшимча бўшлиқлари ва юқори нафас йўлларидан экссудатни оқиб чиқишини таъминлайди.

**Қўлланилиши.**

Қуюқ (ёпишқоқ) секрет ҳосил қилиш билан кечадиган ўткир ва сурункали синуситлар.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик.

**Ножўя таъсирлари.**

Жуда кам ҳолларда қориннинг юқори қисмида оғриқларни пайдо бўлиши мумкин, баъзи ҳолатларда эса – аллергик реакциялар (тери тошмалари, ҳансираш). Ножўя таъсирлар пайдо бўлганида препаратни қўллашни тўхтатиб шифокор маслаҳатига мурожаат қилиш керак.

**Қўллаш усули ва дозалари.**

*Катталарга*: 50 томчидан ёки 2 дражедан кунига 3 марта.

*Мактаб ёшидаги болаларга:* 25 томчидан ёки 1 дражедан кунига 3 марта.

*2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга:* 15 томчидан кунига 3 марта.

*Даволаш курси* 7-14 кунни ташкил қилади.

Драже бутунлигича оз миқдордаги сув билан ютиб юборилади.

Агар касаллик симптомлари 7-14 кун мобайнида сақланиб қолса шифокор билан маслаҳатлашиш лозим.

**Дозани ошириб юбориш.**

*Ичиш учун мўлжалланган томчилар:*

Терапевтик дозалардан анча юқори дозалар қўлланилганида алкоголь билан заҳарланиш аломатлари намоён бўлиб, бемор ҳаётига хавф туғдириши мумкин (айниқса болаларга). Бундай ҳолатларда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур. Флакондаги суюқликни ҳаммаси бир пайтда қабул қилинса (100 мл) организмга 16 г спирт тушади.

**Ҳомиладорлик ва эмизиклик даврда қўлланилиши.**

Синупрет® ни ҳомиладорлик даврда фақат шифокор маслаҳатига кўра қўлланилади.

Алкоголь тутувчи Синупрет® томчиларини қўллаш фақат драже шаклидаги препаратни қўлланилиши мумкин бўлмагандагина амалга оширилади. Эмизикли даврда препарат қўлланилиши ман этилади, чунки бундай аёлларда препаратни қўллаш мумкинлиги ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири.**

Антибактериал воситалар билан бирга қўллаш мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири.**

Маълумотлар маълум эмас.

**Махсус кўрсатмалар.**

Препарат транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этмайди.

**Махсус огоҳлантиришлар.**

Препаратнинг томчи шакли таркибида алкоголь мавжудлиги туфайли алкоголизмга дучор бўлган ҳамда алкоголизмга қарши самарали даво олган беморларда препаратни қўллаш тавсия этилмайди.

Жигар хасталиги бўлган беморларга препарат томчиларини фақат шифокор маслаҳатидан сўнг тавсия этилади.

Алкоголизмга дучор бўлган ёки жигар хасталиги бўлган беморлар Синупрет® томчилари таркибида 16,0-19,0% спирт (этанол) борлигини эътиборга олишлари керак.

Препаратни катталар қабул қиладиган битта дозасида 0,45 г спирт мавжуд; бу тахминан бир қошиқ вино миқдорига тенгдир.

Флаконни ишлатилаётганда вертикал ҳолатда ушлаб туринг.

Синупрет® ни сақлаш жараёнида суюқликни бир оз хиралашиши ёки чўкма ҳосил қилиши мумкин. Бу препарат самарасига таъсир этмайди.

Қўллашдан аввал Синупрет® томчиларини силкитиш лозим.

**Чиқарилиш шакли.**

*Ичга қабул қиладиган томчилар:* 100 мл томизгич-флаконларда.

*Драже*: Ҳар бир блистерда 25 драже.

Ўрам ўлчови: (2х25) 50 ва (4х25) 100 драже.

**Сақлаш шароити.**

Ичга қабул қиладиган томчилар ва дражени қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати.** 3 йил.

Очилган флаконларни 6 ой мобайнида ишлатиш мумкин.

Ўрамда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг препарат ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби.**

Шифокор рецептисиз.

**Ишлаб чиқарувчи.**

Бионорика АГ D-92308 Ноймаркт/Германия.

## СИНУПРЕТ ® сироп

**Ичга қабул қилиш учун суюқлик**

Таъсир этувчи моддалар:

Кесилган эрбаходош илдизи

Кесилган тизимгул ўти

Кесилган отқулоқ ўти

Янчилган маржондарахати гуллари

Кесилган косали наврўзгул гуллари

**Болалар ва катталарда қўллаш учун.** Илова-варақанинг ҳаммасини диққат билан ўқиб чиқинг, Сизга уни ўқиб чиқишга тўғри келиши мумкин. Ушбу дори воситаси рецептсиз берилади. Аммо Синупрет сиропи билан даволашдан каттароқ муваффақиятга эришиш учун йўриқномага мувофиқ қўллаш керак.

- Ушбу илова-варақани сақланг. Сизга уни қайта ўқиб чиқиш керак бўлиши мумкин
- Агарда бошқа маълумотлар ёки маслаҳатлари керак бўлса, Ўз фармацевтингиз билан маслаҳатлашинг.
- Агарда Сизнинг белгиларингиз ёмонлашса ёки 7 дан 14 кунгача яхшиланиш бўлмаса, албатта шифокорга мурожаат қилинг.
- Агарда кўрсатилган ножўя самараларидан бирортаси кучли бўлса ёки агарда Сиз ушбу илова-варақада кўрсатилмаган ножўя самараларни сезсангиз, Ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

***Ушбу илова-варақа сақлайди:***

1. Синупрет сиропи ўзи нима ва у нима учун қўлланади?

2. Синупрет сиропини қабул қилишдан олдин нималарни ҳисобга олиш керак?
3. Синупрет сиропи қандай қабул қилинади?
4. қандай ножўя самаралари бўлиши мумкин?
5. Синупрет сиропи қандай сақланади?
6. Кейинги маълумотлар.

***1.Синупрет сиропи ўзи нима ва у нима учун қўлланилади?***

Синупрет сиропи – бу буруннинг қўшимча бўшлиқларини яллиғланишда қўлланадиган ўсимлик дори воситаси. Синупрет сиропи буруннинг қўшимча бўшлиқларини ўткир ва сурункали яллиғланишларида қўлланади.

***2.Синупрет сиропини қабул қилишдан олдин нималарни ҳисобга олиш керак?***

Синупрет сиропини қўллаш мумкин эмас:

Агарда Сиз дори воситасини фармакологик фаол моддалардан ёки компонентларидан бирортасига ўта юқори сезувчан бўлсангиз.

***Синупрет сиропини қабул қилишда қуйидаги ҳолларда алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилиш талаб қилинади:***

Синупрет сиропини 2 ёшгача бўлган болаларда қўллашга бўйича ҳозирги вақтда етарли текширишлар ўтказилмаган. Шунинг учун бу дори воситасини 2 ёшгача бўлган болаларга бериш керак эмас. Агарда 7-14 кундан кейин шикоятлар йўқолмаса ёки даврий қайтарилса, шифокорга мурожаат қилиш керак.

***Синупрет сиропини бошқа дори воситалари билан бирга қабул қилиш:***

ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири номаълум.

Илтимос агарда Сиз бошқа дори воситаларини қабул қилаётган бўлсангиз ёки яқинда қабул қилган бўлсангиз, ҳатто гап рецептсиз бериладиган дори воситалари устида кетса ҳам, шифокорингизни ёки фармацевтни хабардор қилинг.

*Синупрет сиропини овқат маҳсулотлари ва ичимликлар билан бирга қабул қилганда:* қўллаш мумкин эмас.

**Ҳомиладорлик ва эмизиш:**

Барча дори воситалари каби Синупрет сиропини ҳам ҳомиладорлик ва эмизиш даврида фақат кўрсатилиши қатъий аниқланганидан кейин қабул қилиш лозим. Синупрет сиропида алкоголь сақлаганлиги туфайли, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида фақат Синупрет Бионорика дражесини қабул қилиш мумкин бўлмаган ҳолда қабул қилиш керак.

Бошқа дори воситаларини қабул қилишдан олдин Ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

**Автотранспортни ҳайдаш ва машиналарга хизмат кўрсатиш қобилиятига таъсири:** ҳеч қандай алоҳида эҳтиёткорлик чоралари талаб қилмайди. Синупрет сиропини қолган компонентлари тўғрисида муҳим маълумотлар. Бу дори воситаси мальтитол эритмасини ва 8% (%) алкоголни сақлайди. Дозалаш бўйича йўриқномага риоя қилинганида 2 дан 5 ёшгача бўлган болалар организмига 0,15 г алкоголь, 6 дан 11 ёшгача бўлган болаларга - 0,26 г гача ва 12 ёшдан ошган ўсмирларга - 0,51 г алкоголь тушади. Жигар касалликлари, алкоголизм, тутқаноқ, бош миянинг органик касалликлари бўлган пациентлар, ҳамда ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг соғлиғи учун хавф бор. Бошқа дори воситаларининг таъсири сусайиши ёки кучайиши мумкин. Бу дори воситаси мальтитол эритмасини сақлайди. Агарда Сизга айрим қандларни ўзлаштираолмаслигингиз маълум бўлса, илтимос, синупрет сиропини қабул қилишни фақат Ўз шифокорингиз билан маслаҳатлашгандан кейин бошланг. 7,0 мл 5,5 г мальтитол эритмасини сақлайди, бу тахминан 0,35 нон бирлигига (НБ) тўғри келади. Агарда Сизга диабетик парҳезга риоя қилиш керак бўлса, Сизга буни ҳисобга олишингиз лозим. Калориялилигининг қиймати 2,3 ккал/г мальтитол эритмасини ташкил қилади. Мальтитол эритмаси енгил ич сурувчи таъсирга эга бўлиши мумкин.

***3. Синупрет сиропини қандай қабул қилиш керак?***

Синупрет сиропини ҳар доим ушбу илова-варақадаги йўриқнома бўйича аниқ қўлланг. Агарда Сизнинг ишончингиз тўлиқ бўлмаса, Ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Агарда шифокор бошқача буюрмаган бўлса, одатдаги доза қуйидагича:

| Ёши | Бир марталик доза: | Умумий кундалик доза |
|---|---|---|
| 2 дан 5 ёшгача бўлган болалар | 2,1 мл | 6,3 мл (2,1 мл дан 3 марта) |
| 6 дан 11 ёшгача бўлган болалар | 3,5 мл | 10,5 мл (3,5 мл дан 3 марта) |
| Катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирлар | 7,0 мл | 21,0 мл (7,0 мл дан 3 марта) |

Агарда бошқача буюрилмаган бўлса, қўллашнинг давомийлиги 7-14 кунни ташкил қилади. Шунингдек 2 бўлим “Синупрет сиропини қабул қилишда қуйидаги ҳолларда алоҳида эҳтиёткорликка риоя қилиш талаб қилинади» мазмуни билан ҳам танишинг.

Агар Сизда Синупрет сиропини таъсири ҳаддан зиёд кучли ёки ҳаддан зиёд кучсиз деган тассавур пайдо бўлса, буни ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан мухокама қилинг. Сақлаш жараёнида енгил лойқаланиш ёки бироз чўкма тушиши мумкин, бу препаратнинг самарадорлигига таъсир қилмайди. Истеъмол қилишдан олдин чайқатинг!

*Агарда Сиз Синупрет сиропини талаб қилинганидан кўпроқ миқдорда қабул қилган бўлсангиз:*

Агарда Сиз Синупрет сиропини талаб қилинганидан кўпроқ миқдорда қабул қилган бўлсангиз, уни ўз шифокорингизга хабар қилинг. Агарда талаб қилинса, у керакли чоралар тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин. қуйида келтирилган ножўя самараларини кучли намоён бўлишини истисно қилиб бўлмайди.

*Агарда Сиз Синупрет сиропини қабул қилишни унутган бўлсангиз:*

Агарда Сиз янглишиб Синупрет сиропини жуда кам қабул қилган ёки бир қабулни унутган бўлсангиз, кейинги марта препаратни икки баробар миқдорда қабул қилманг, Синупрет сиропини ўз шифокорингиз буюрганидек ёки ушбу илова-варақада таърифлангандек қабул қилишни давом эттиринг.

*Агарда Сиз Синупрет сиропини қабул қилишни тўхтатсангиз:*

Синупрет сиропини тўхтатиш, одатда хавфли эмас. Агар Сизда ушбу препарат қўллаш бўйича қўшимча саволлар пайдо бўлса, ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

***4. Қандай ножўя самаралиари бўлиши мумкин?***

Барча дори воситалари каби Синупрет сиропини ҳам ножўя самараларга эга бўлиши мумкин улар ҳам бир одамда пайдо бўлиши шарт эмас.

Ножўя самараларини баҳолашда уларни пайдо бўлишини тез-тезлиги бўйича қуйидаги маълумотлар асос қилиб олинади:

| | |
|---|---|
| *Жуда тез-тез:* | даволашни ўтказган 10 пациентларни 1 дан кўпида |
| *Тез-тез:* | даволашни ўтказган пациентларни 10 ни 1 дан камида, аммо 100 ни 1 дан кўпида |
| *Баъзида:* | даволашни ўтказган пациентларни 100 ни 1 дан камида, аммо 1000 ни 1 дан кўпида |
| *Кам:* | даволашни ўтказган пациентларни 1000 ни 1 дан камида аммо 10000 ни 1 дан кўпида |
| *Жуда кам:* | даволашни ўтказган 10000 пациентларни 1 камида, ёки номаълум |

***Аҳамиятли ножўя самаралари ёки эътибор қилиниши керак бўлган белгилари ва кўриниши зарур бўлган чоралар, агар улар Сизда пайдо бўлган бўлса:***

Баъзида меъда-ичак йўллари томонидан шикоятлар пайдо бўлиши мумкин (масалан, меъдада оғриқ, кўнгил айниши). Кам ҳолларда терини ўта юқори сезувчанлик ҳоллари (тошма, терини қизариши, қичишиш), ҳамда оғир аллергик реакциялар (ангиошиш, ҳансираш, юзни шиши) пайдо бўлиши мумкин.

Ножўя самаралари пайдо бўлганида, препарат қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш керак. У ножўя самараларининг даражаси ва кейинги керакли чоралар тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Ўта юқори

сезувчанлкининг биринчи белгилари пайдо бўлганида Синупрет сиропини бошқа қўллаш керак эмас.

**Бошқа мумкин бўлган ножўя самаралар:**

Агарда кўрсатилган ножўя самараларидан биттаси етарли даражада кучли бўлса ёки Сиз ушбу илова-варақада кўрсатилмаган ножўя самараларни сезсангиз Ўз шифокорингизга ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

***5. Синупрет сиропи қандай сақланади?***

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

қутида ва флаконда (ёрлиғида) кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач бу дори воситасини бошқа қўллаш керак эмас. Яроқлилик муддати ойнинг охирги кунига таалуқли.

**Флакон очилганидан ёки препарат истеъмол учун тайёрланганидан кейин яроқлилик муддати бўйича кўрсатма:**

Флакон очилганидан кейин 3 ой давомида сақлансин.

***6. Кейинги маълумотлар***

*Синупрет сиропи нима сақлайди:*

Таъсир этувчи моддалар: Эрбаходошлар илдизи, доривор тизимгул ўти, шовул ўти, маржондарахти ва косачали наврўзгул гулларининг экстрактлари фармакологик фаол компонентлар ҳисобланади. 100 г Синупрет сиропи сақлайди: 10 г эрбаходошлар илдизидан тайёрланган (доривор ўсимлик хомашёси экстракти 1:11 нисбатда), кесилган тизимгул ўти, кесилган шовул ўти: янчилган маржондарахти гуллари, кесилган косачали наврўзгул гуллари (1:3::3:3:3) экстрактларини сақлайди. Экстракт: этанол 59% (%) 8% (%) алкоголни сақлайди.

Қолган компонентлари:

Мальтитол эритмаси, тозаланган сув, алкоголь, олча хушбўйи.

**Синупрет сиропи ва ўрам ичидагиси қандай кўринишга эга:**

Синупрет сиропи 100 мл (№1) суюқлик сақловчи ўрамларда.

**БИОНОРИКА АГ**

**Фармацевтик корхонаси**

Кершентайнерштрассе 11-15, 92318 Ноймаркт

Телефон: +49 9181 231 90

Факс: +49 9181 231 265

Интернет: www.bionorica.de

E-mail: info@bionorica.de

## СИНУПРЕТ ® форте

## Sinupret® forte

**Буруннинг қўшимча бўшлиқларини яллиғланишида (синуситларда) қўлланадиган ўсимлик дори препарати.**

**Таркиби:**

1 драже фармакологик фаол ингридиентларни сақлайди:

| | |
|---|---|
| Gentianae radix (эрбаходош илдизи) | 12 мг |
| Primulae flos (наврўзгул гуллари) | 36 мг |
| Rumicis herba (шовул ўти) | 36 мг |
| Sambuci flos (маржондарахт гуллари) | 36 мг |
| Verbenae herba (тизимгул ўти) | 36 мг |

*Қўшимча ингридиентлар:*

Картошка крахмали, кремний диоксиди, тозаланган сув, лактоза моногидрати, желатин, сорбитол, стеарин кислотаси, кальций карбонати, глюкоза сироп, магний оксиди, маккажўхори крахмали, модификацияланган маккажўхори крахмали, тоғ гликолли муми, сувсиз натрий карбонати, эудрагит, повидон К 25, канакунжут мойи, сахароза, шеллак, тальк, титан диоксиди, бўёвчи E104, E132, E170, E171.

**Дори шакли ва миқдори:**

Драже. Блистерларда 20 ёки 25 дражедан, ҳар бирида. Ўрам ўлчами: 20, 50 ёки 100 драже.

**Ишлаб чиқарувчи:**

**БИОНОРИКА АГ**

Кершентайнерштрассе 11-15, 92318 Ноймаркт

Телефон: +49 9181 231 90

Факс: +49 9181 231 265

Интернет: www.bionorica.de

E-Mail: info@bionorica.de

**Қўлланилиши:**

Ёпишқоқ секретнинг ҳосил бўлиши билан бирга кечувчи ўткир ва сурункали синуситлар.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**

*Синупрет®форте дражеларини қўллаш мумкин эмас:*

Агар Сизда препаратнинг фармакологик фаол моддаларига ёки компонентларига юқори сезувчанлик бўлса.

12 ёшгача бўлган болаларга – чунки 12 ёшгача бўлган болаларда препаратни қўллаш етарли даражада ўрганилмаган.

**Махсус кўрсатмалар:**

*ҳомиладорлик вақтида ва лактация даврида (эмизиш) қабул қилишда нималарни ҳисобга олиш керак?*

Синупрет® форте дори воситаси ҳомиладорлик даврида ва эмизиш даврида фақат шифокорнинг кўрсатмаси бўйича қўллаш мумкин;

*Қандай ҳолларда Синупрет® форте дражеларини алоҳида эҳтиёткорлик билан қўллаш керак:*

Глюкоза, лактоза, сахароза ёки сорбитолни ўзлаштираолмасликда Синупрет® форте дори воситасини фақат шифокор маслаҳатидан кейин қўллаш мумкин.

*Автомобил ёки потенциал хавфли механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири:*

Препарат тавсия қилинган дозаларда автомобилни бошқариш ва юқори диққатни талаб қиладиган механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатмайди.

Диабетиклар учун маълумотлар: препаратни бир марталик дозаси ўртача 0,03 «нон бирлиги» (НБ) сақлайди.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири:**

Антибактериал дори воситалари билан бирга қўллаш мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири хозирги вақтгача номаълум.

**Қўллаш усули ва дозалари:**

Агарда шифокор бошқача буюрмаган бўлса:

*Синупрет® форте дражесини қанча миқдорда ва қандай тез-тезликда қабул қилиш керак?*

Ичга қўлланади. Катталар ва 12 ёшдан ошган ўсмирлар: 1 дражедан кунига 3 марта.

*Синупрет® форте дражесини қандай қабул қилиш керак?*

Дражени бутунлигича, чайнамасдан, кўп бўлмаган микдордаги сув билан бирга ютиш лозим.

*Синупрет® форте дражесини қанча муддат қўллаш лозим?*

Даволаш курси 7-14 кунни ташкил қилади.

Агарда белгилари 7-14 кундан кўп сақланса ёки даврий қайтарилса, у ҳолда шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

**Дозани ошириб юборилиши:**

Агарда Сиз препаратнинг катта дозасини қабул қилган бўлсангиз, ўз шифокорингизга зарур чораларни кўриш учун мурожаат қилинг. Ножўя таъсири белгиларининг кучайиши мумкин.

**Ножўя таъсири:**

Жуда кам ҳолларда қориннинг юқори кисмида оғриқ пайдо бўлиши мумкин алоҳида ҳолларда – аллергик реакциялар (тери тошмаси, қичишиш, қизариш), жуда кам ҳолларда (Квинке шиши, ҳансираш, юзни шиши) бўлиши мумкин. Ножўя самаралари пайдо бўлганида Синупрет® форте дражесини қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Ушбу йўриқномада таърифланмаган ножўя таъсирлари пайдо бўлганида, илтимос шифокорга мурожаат қилинг.

**Сақлаш шароити**

$30^0$С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Препаратнинг яроқлилик муддати:**

Яроқлилик муддати ўрамида кўрсатилган.

Яроқлилик муддати тугагандан кейин қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Шифокор рецептисиз.

**Тонзипрет®**

**Tonsipret®**

**Мажмуавий гомеопатик препарат**

**Қайд қилиш рақами:** ЛС-001652

**Препаратнинг савдо номи:** Тонзипрет®/Tonsipret®

**Дори шакли:** Шимиш учун гомеопатик таблеткалар.

**Таркиби:**

1 таблетка Тонзипрет® сақлайди:

Фаол ингредиентлар:

| | |
|---|---|
| Phytolacca americana ∅ | 50,000 мг |
| Capsicum D3 | 75,000 мг |
| Guaiacum D3 | 75,000 мг |
| *қўшимча ингредиентлар:* | |
| лактоза моногидрати | 100,000 мг |
| магний стеарати | 2,500 мг |
| картошка крахмали | 25,000 мг |

**Таърифи:**

Думалоқ, яссицилиндрик шаклли, фаскали, сарғиш тусли оқ таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гурухи:**

Гомеопатик восита.

**Қўлланилиши:**

Томоқ оғриғида симптоматик восита сифатида мажмуавий терапияда.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**

Болалик ёши (18 ёшгача) – клиникмаълумотларни етарли бўлмаганлиги туфайли. Лактоза сақлагани туфайли Тонзипрет® таблеткаларини кам учрайдиган галактозани ирсий ўзлаштираолмаслиги, лактозанинг генетик танқислиги ёки глюкоза-малактоза сўрилишининг бузилиши бўлган пациентлар қабул қилишлари мумкин эмас.

**Ҳомиладорлик ва лактациядаврида қўлланилиши:**

Препаратни ҳомиладор ва эмизикли аёлларда қўлланиши етарлича ўрганилмаган.

**Ножўя таъсирлари**

Кам ҳолларда кўнгил айнаши ва меъдада бузилишлар кузатилади. Гомеопатик препаратни қабул қилганда мавжуд бўлган бузилишларни зўрайиши мумкин. Бундай ҳолда препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Томоқдаги кучли оғриқларда оғриқ синдромини бартараф этиш учун 1 таблеткадан ҳар 30-60 минутдан сўнг, лекин суткада 12 мартадан кўп эмас. Оғриқлар камайган сари тутиб турувчи дозага ўтиш мумкин – 1 таблеткадан кунига 1-3 марта, овқатдан 15 минут олдин. Даволаш курси – 7-10 кун.

Таблеткаларни оғизда секин эришига имкон бериш керак.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Ўрганилмаган.

**Махсус кўрматмалар**

Препарат тавсия этилган дозаларда транпортни бошқариш ва машиналар билан ишлаш қобилиятини сусайтирмайди.

қандли диабети бўлган беморлар учун изоҳ: препаратнинг бир марталик дозаси 0,03 дан кам нон бирлиги сақлайди.

**Чиқарилиш шакли**

25 таблеткадан алюмин фольга ва ПВХ/ПВДХ плёнка блистерда. 2, 4, 8 блистердан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити**

Болалар олаолмайдиган жойда, $25^0$С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

**БИОНОРИКА АГ** D-92318 Ноймаркт/Германия

## Тонзипрет®

## Tonsipret®

**Қайд қилиш рақами:** ЛС-001227 03.02.2006

**Препаратнинг савдо номи:** Тонзипрет®/Tonsipret®

**Дори шакли:** Ичга қабул қилиш учун гомеопатик томчилар.

**Таркиби:**

10 г (=10,9 мл) Тонзипрет® томчилари сақлайди:

| | |
|---|---|
| Phytolacca Dil. D1 | 2,0 г |
| Capsicum Dil. D4 | 4,0 г |
| Guaiacum Dil. D4 | 4,0 г |

*Ёрдамчи моддалар:* этил спирти 55% (ҳажм).

**Таърифи:**

Томчилар - тиниқ, хушбўй ҳидли, бироз сарғиш суюқлик

**Фармакотерапевтик гуруҳи:**

Гомеопатик восита.

**Қўлланилиши:**

Томоқ оғриғида симптоматик восита сифатида мажмуавий терапияда.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:**

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

Болалик ёши (18 ёшгача) – клиник маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги туфайли. Препарат таркибида спирт бўлганлиги туфайли, алкоголга қарамлиги, жигар циррози, тутқаноғи бўлган шахсларга препаратни қабул қилиш тавсия этилмайди.

**Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши:**

Препаратнинг ҳомиладор ва эмизикли аёлларда қўлланиши етарлича ўрганилмаган, шунинг учун бундай беморларга олдиндан шифокорнинг маслаҳати керак.

**Ножўя таъсирлари**

Кам ҳолларда кўнгил айнаши ва меъдада бузилишлар кузатилади. Гомеопатик препаратни қабул қилганда мавжуд бўлган симптомларни зўрайиши мумкин. Бундай ҳолда препарат қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Томоқдаги кучли оғриқларда оғриқ синдромини бартараф этиш учун 5-10 томчидан ҳар 30-60 минутдан сўнг, лекин суткада 12 мартадан кўп эмас. Оғриқлар камайган сари тутиб турувчи дозага ўтилади – 5-10 томчидан кунига 3 марта, овқатдан 15 минут олдин. Даволаш курси – 7-10 кун.

Томчиларни оз миқдордаги сув билан ёки суюлтирилган ҳолда, ютишдан олдин оғизда бироз тутиб туриб қабул қилиш лозим.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Ўрганилмаган.

**Махсус кўрсатмалар**

Тонзипрет® томчиларини ишлатганда флаконни вертикал ҳолатда тутиб туринг.

Препарат тавсия этилган дозаларда транспортни бошқариш ва машиналар билан ишлаш қобилиятини сусайтирмайди.

қандли диабети бўлган беморлар учун изоҳ: препаратнинг бир марталик дозаси 0,03 дан кам нон бирлиги сақлайди.

**Чиқарилиш шакли**

30 мл, 50 мл ёки 100 мл дан томчилагич-дозаторли тиқин билан ёпилган тўқ шиша томчилагич-флаконларда. Ҳар бир томчилагич-флакон қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити**

Болалар олаолмайдиган жойда, $25^0$C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгандан сўнг ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

**БИОНОРИКА АГ** D-92318 Ноймаркт/Германия

## ТОНЗИЛГОН® Н (Tonsilgon® N)

**Препаратнинг савдо номи.** Тонзилгон® Н

**Дори шакли.**

*Ичга қабул қилиш учун томчилар ва д*раже

**Таркиби.**

*Тонзилгон® томчи препаратининг 100 г қуйидагиларни сақлайди:*

Ўсимлик хом ашёсидан ташкил топган 29 г сувли спиртли ажралмалар:

Althaeae radix (алтей илдизи) -0,4 г

Chamomillae flores (мойчечак гуллари) - 0,3 г

Equiseti herba (қирқбўғим ўти) -0,5 г

Joglandis folia (ёнғоқ барги) -0,4 г

Millefolium herba (бўймадарон ўти) -0,4 г

Quercus cortex (эман пўсплоғи) -0,2 г

Taraxaci herba (доривор момоқаймоқ ўти) -0,4 г

Этанол миқдори -16,0-19,5% (ҳажм нисбатида)

*Қўшимча ингредиентлар*. Тозаланган сув.

*1 драже таркибида қуйидагилар мавжуд.*

*Майдаланган доривор ашёлар кукун шаклида:*

Althaeae radix (алтей илдизи) - 8 г

Chamomillae flores (мойчечак гуллари) - 6 г

Equiseti herba (қирқбўғим ўти) - 10 г

Joglandis folia (ёнғоқ барги) - 12 г

Millefolium herba (бўймадарон ўти) - 4 г

Quercus cortex (эман пўсплоғи) - 4 г

Taraxaci herba (доривор момоқаймоқ ўти) - 4 г

Этанол миқдори - 16,0-19,5% (ҳажм нисбатида)

*Қўшимча ингредиентлар*.

Лактоза, маис крахмали, картошка крахмали, стеарин кислотаси, глюкоза моногидрати, юқори дисперсияланган кремний икки оксиди, модифицирланган маис крахмали, монтан гликоль мўми, поли (1-винил-2-пиролидон) К25, поли (1-винил-2-пиролидон) К30, канакунжут мойи, сахароза, щеллак, тальк, юқори дисперсияланган кремний иккиоксиди, титан иккиоксиди.

**Таърифи.**

*Ичиш учун томчилар:* Сарғиш-жигарранг мойчечакка хос бўлган хид ва таъмга эга бўлган шаффоф ёки бироз лойқа суюқлик.

*Драже:* доира шаклидаги икки томонлама қабариқ юзаси силлиқ оч ҳаво рангли драже.

**Фармакотерапевтик гуруҳи.** Ўсимлик антисептик воситаси.

**Фармакологик хусусиятлари.**

Препаратнинг фармакологик хусусиятлари уни таркибидаги биологик фаол моддаларга асосланган. Тонзилгон® Н яллиғланишга қарши ва антисептик таъсирларга эга. Мойчечак, алтей ва қирқбўғим таркибидаги фаол моддалар организмни носпецифик ҳимояловчи факторларни фаоллигини ошишига олиб келади. Мойчечак, алтей ва қирқбўғим таркибидаги полисахаридлар, эман пўстлоғидаги танинлар яллиғланишига қарши таъсир кўрсатиб нафас йўллари шиллиқ пардаларидаги шишларни камайтирилишига олиб келади.

**Қўлланилиши.**

- юқори нафас йўллари ўткир ва сурункали касалликларида (тонзиллит, фарингит, ларингит);
- респиратор вирусли инфекцияларда асоратларнинг олдини олиш учун ва бактериал инфекцияларда антибиотиклар билан даволашга қўшимча сифатида.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик.

**Ножўя таъсирлари.**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Қўллаш усули ва дозалари**

*Касаллик ривожланишини ўткир даврида:*

*Катталар.* 25 томчидан ёки 2 дражедан кунига 5-6 марта.

*Мактаб ёшидаги болалар.* 15 томчидан ёки 1 дражедан кунига 5-6 марта. *Мактабгача бўлган болалар.* 10 томчидан кунига 5-6 марта.

*Эмизикли болалар.* 5 томчидан кунига 5-6 марта қабул қиладилар.

Касаллик енгиллашгандан сўнг Тонзилгон® Н билан даволанишни яна бир ҳафта давом эттирилиши лозим.

Бунда қуйидаги дозаларда буюрилади:

*Катталар.* 25 томчидан ёки 2 дражедан кунига 3 марта.

*Мактаб ёшидаги болалар.* 15 томчидан ёки 1 дражедан кунига 3 марта,

*Мактабгача ёшдаги болалар.* 10 томчидан кунига 3 марта.

*Эмизикли болалар.* 5 томчидан кунига 3 марта буюрилади.

*Драже*. Чайналмасдан бутунлигича сув билан ютилади.

*Томчилар.* Суюлтирилмаган ҳолда бир оз вақт оғизда ушлаб туриб ютилади.

**Дозани ошириб юбориш.**

Йўриқномага асосланиб қўлланилганда ушбу препаратнинг чегараланиб ишлатилиши ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

**Ҳомиладорлик ва эмизиклик даврда қўлланилиши.**

Тонзилгон® Н ҳомиладорлик ва эмизиклик даврда фақат шифокор маслаҳатига кўра қўлланилиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири.**

Антибактериал воситалар билан бирга ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

**Махсус кўрсатмалар**

Таркибида алкоголь мавжудлиги туфайли алкоголизмга дучор бўлган ҳамда алкоголизмга қарши самарали даво олган беморларда препаратни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Жигар хасталиги бўлган беморларга препарат фақат шифокор маслақатидан сўнг тавсия этилади.

Флаконни ишлатилаётганда вертикал ҳолатда ушлаб туриш керак.

Тонзилгон® Н томчиларини сақлаш жараёнида суюқликни бир оз хиралашиши ёки чўкма ҳосил қилиши мумкин. Бу препарат самарасига таъсир этмайди.

Қўллашдан аввал Тонзилгон® Н томчиларини силкитиш лозим.

Препарат беморнинг транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этмайди.

**Қанд касаллиги бўлган беморларда қўллаш мумкинлиги.**

Бир драже 0,03 кам «нон бирлиги» («хлебные единицы» (ХЕ)) ни сақлайди.

**Чиқарилиш шакли.**

*Ичга қабул қиладиган томчила*. 50 мл; 100 мл томизгич-флаконларда.

*Драже*: Ҳар бир блистерда 25 драже.

Ўрам ўлчови: (2x25) 50 ва (4x25) 100 драже.

**Сақлаш шароити.**

Ичга қабул қиладиган томчилар ва дражени қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25ºС дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати.**

*Драже*. 3 йил,

*Ичиш учун томчилар*. 2 йил.

Очилган флаконларни 6 ой мобайнида ишлатиш мумкин.

Ўрамда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг препарат ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби.**

Шифокор рецептисиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

Бионорика АГ D-92308 Ноймаркт/Германия.

## АСАБ ТИЗИМИНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАР

### НОТТА (NOTTA)

**таблеткалари**

**(мажмуавий гомеопатик препарат)**

**Препаратнинг савдо номи:** Нотта

**Дори шакли:** таблеткалар.

**Дори воситасининг таркиби:** *фаол моддалар:* 1 таблетка қуйидагиларни сақлайди: Avena Sativa D1 74,5 мг, Phosphorus D12 37,2 мг, Chamomilla D12 37,2 мг, Coffea D12 37,2 мг, Zincum valerianicum D12 37,2 мг; *ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, картошка крахмали, магний стеарати.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** мажмуавий гомеопатик препарат.

**Қўлланилиши:** препарат хавотирланиш, ички асабийлашиш, юқори асабий ҳолат, безовталаниш, уйқунинг бузилиши билан кечадиган неврозсифат ва психосоматик бузилишларда қўлланади.

**Қўллашдаги эҳтиёткорлик:** Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни қўллашда ҳомила ёки бола учун қандай бўлмасин хавф ҳақида маълумот шу вақтгача қайд қилинмаган. Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни шифокор тавсиясига кўра қўллаш мумкин. Узоқ вақт давомида қўлланганида дорига ўрганиб қолиш ва қарамлик ҳоллари аниқланмаган. Нотта кундуз куни тормозланиш, онгни бузилиши ва уйкучанлик чиқармайди, шунинг учун ҳар қандай касб эгалари учун тавсия қилиниши мумкин, шу жумладан юқори диққат тезкор ҳаракат ва руҳий реакцияларни талаб қиладиган касб эгалари учун ҳам.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:** препаратнинг ҳар қандай компонентларига бўлган юқори сезувчанлик (аллергия).

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири:** Нотта препаратининг бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири аниқланмаган. Нотта препарати психотроп дори воситалари (шу жумладан транквилизаторлар, уйқу воситалари) билан бир вақтда қабул қилинганида бу дори воситаларининг қабул қилиниши ва дозалари шифокор назорати остида камайтирилиши мумкин.

**Қўллаш усули ва дозалари:**

| | Дозалар | Даволаш курси |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катталар | 1 таблетка | Кунига 2 марта 2-3 ой давомидада. Зарурат туғилганида, даволаш курсини такрорлаш мумкин. |
| 5-12 ёшли болалар | 1/2 таблетка | |
| 5 ёшгача бўлган болалар | 1/4 таблетка | |

Даволаш бошида, шунингдек белгиларни тез сусайтириш талаб қиладиган ҳолларда катталар ва ўсмирлар аҳволлари яхшиланмагунча, 1 таблеткадан, 5-12 ёшли болалар – 1/2 таблеткадан, 5 ёшгача бўлган болалар – 1/4 таблеткадан

кунига 4 марта қабул қилишлари мумкин, лекин кунига 8 мартадан ошмаслиги керак. Кейинчалик кунига 2 марта қабул қилишлари мумкин.

***Қўллаш усули.***

Энг юқори самарага эришиш учун Нотта препаратини овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин қабул қилиш керак, таблеткани тўлиқ эриб кетгунча тил тагида тутиб туриш лозим. Қабул қилиш қулай бўлишлиги учун 5 ёшгача бўлган болаларга таблеткани кўп бўлмаган миқдордаги сувда эритиш лозим.

**Ножўя таъсири:** аниқланмаган.

**Яроқлилик муддати:** 3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддатидан кейин препарат ишлатилмасин. Нотта таркиби табиий ўсимлик компонентлари сақлагани туфайли, сақлашда таблетканинг таъмини, рангини бироз ўзгариши кузатилиши мумкин, бу препаратнинг самарадорлигини пасайишига олиб келмайди.

**Сақлаш шароити:** 30°С дан юқори бўлмаган ҳароратда, ўзининг оригинал картон ўрамида, ёруғликдан ҳимоя қилинган, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Ўрами:** №12, №24, №36, №48 таблеткадан блистерларда картон ўрамга жойланган.

**Бериш тартиби:** рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили:** «Рихард Биттнер АГ», Кернтнер Ринг 11-13, А-1010, Вена, Австрия.

## ТЕНОТЕН (Tenoten)

**Савдо номи** Болалар Тенотени

**Дори шакли** Гомеопатик таблеткалар

**Таркиби** *Мияга специфик S-100 оқсилига аффин тозаланган антитела:* С12, С30 ва С50 гомеопатик суюлтиришлар аралашмаси - 0,003 г.

*ёрдамчи моддалар:* лактоза, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи** Яссицилиндрик шаклли, риска ва фаскали, оқдан деярли оқ ранглигача бўлган таблеткалар. Ясси рискали томонида «MATERIA MEDICA» ёзуви, бошқа ясси томонида «TENOTEN KID» ёзуви бор.

**Фармакотерапевтик гуруҳи** Анксиолитиклар, антидепрессантлар, ноотроплар, антигипоксантлар ва антиоксидантлар.

**АТХ коди** N05BX, N06AX, N06BX.

**Фармакологик таъсири** Препарат анксиолитик, ноотроп, стресс-протектор, антиастеник, антиамнестик, антигипоксик, нейропротектор, антидепрессив таъсир кўрстади. Мияда синаптик (информацион) ва метаболик жараёнларни бирга қўшилишини амалга оширадиган S-100 оқсилининг функционал фаоллигини модификациялайди. ГАМК-миметик ва нейтротрофик таъсир кўрсатиб стресс-лимитирловчи фаоллигини оширади, нейронал пластик жараёнларни тикланишига ёрдам беради. Липидларни перекисли оксидланиш жараёнларни ингибирлайди. Интоксикация, гипоксия, мия ишемиясидан кейинги ҳолатлар шароитида нейропротектор таъсир кўрсатади, шикастланиш сохасини чеклайди ва МНТ фаолиятини тикланишига ёрдам беради. МНТ да фаоллашув жараёнларини ва тормозланиши меъёрлаштиради. Хотира ва диққатни яхшилайди. Седатив, миорелаксант, холинолитик таъсир чақирмайди.

**Қўлланилиши.** Невротик ва неврозсимон, шу жумладан хавотирланиш, кайфиятнинг пасайиши билан бўлган стресс вазиятлар билан боғлиқ бузилишлар. Эмоционал фоннинг беқарорлиги, таъсирчанлик, апатия, хотирани пасайиши, юқори толиқиш, диққатни бузилиши, вегетатив ва харакат бузилишлари билан бирга кечувчи МНТ ўртача яққоликдаги функционал ва органик шикастланишлари.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.** Препарат компонентларига юқори шахсий сезувчанлик, 3 ёшгача бўлган болаларда.

**Қўллаш усули ва дозалари.** *Бир қабулга:* - 1 таблетка, (оғизда тўлиқ эриб кетгунича тутиб туриш керак), овқат қабул қилишдан қатъий назар. Зарурати

бўлганида таблеткани хона ҳароратидаги кўп бўлмаган миқдордаги қайнатилган сувда эритиш мумкин.

*Ҳолатнинг оғирлигига қараб*: 1 таблеткадан суткада 1-3 марта 1-3 ой давомида қўлланади. Зарурати бўлганда даволаш курсини 6 ойгача узайтириш ёки 1-2 ойдан кейин такрорлаш мумкин.

**Ножўя таъсири.** Аниқланмаган.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири.** Бошқа дори воситалари билан номутаносибллик ҳоллари ҳозирги вақтгача қайд этилмаган.

**Чиқарилиш шакли.** Гомеопатик таблеткалар. 20 таблеткадан контур уяли ўрамда. 5 контур уяли ўрамлар қўллаш йўриқномаси билан бирга картон қутида

**Сақлаш шароити.** Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, $25^0$ С дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати.** 3 йил.

Яроқлилик муддати тугагандан кейин қўлланилмасин.

**Ишлаб чиқарувчи.** «Материа-Медика» МЧЖ, Россия

## ЮРАК ҚОН ТОМИР ТИЗИМИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

### ПУМПАН (PUMPAN)
### таблеткалари
### (мажмуавий гомеопатик препарат)

**Препаратнинг савдо номи:** Пумпан

**Дори шакли:** таблеткалар

**Дори воситасининг таркиби:** *фаол моддалар:* 1 таблетка қуйидагиларни сақлайди: Crataegus D1 74,8 мг, Arnica D6 37.2 мг, Kalium carbonicum D6 37,2 мг, Digitalis D12 37,2 мг, Convallaria D12 37,2 мг; *ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, картошка крахмали, магний стеарати.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** мажмуавий гомеопатик препарат.

**Қўлланилиши:** нейроциркулятор дистония. Сурункали юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия, миокарднинг дистрофик ўзгаришлари, юрак ритмининг бузилиши, сурункали юрак етишмовчилигини мажмуавий даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:** Препаратнинг ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанлик (аллергия).

**Қўллашдаги эҳтиёткорлик:** Ҳомиладорлик ва лактация даврида, препаратни қабул қилишда ҳомила ёки бола учун қандай бўлмасин хавф ҳақида, ҳамда 5 ёшгача бўлган болаларда қўллаш бўйича маълумот мавжуд эмас. Бундай ҳолларда препаратни буюришни мақсадга мувофиқлигини шифокор ҳал қилади.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири:** Пумпан препаратининг бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири аниқланмаган. Препаратнинг ҳар қандай дори воситалари ва даволаш усуллари билан комбинациялаш мумкин. Пумпан препарати юракка мўлжалланган бошка дори воситалари билан бир вақтда қўлланганида, асосий даволаш препаратларнинг дозаси шифокор назорати остида камайтирилиши мумкин.

**Қўллаш усули ва дозалари.**

**Юрак етишмовчилиги**

<table>
<tr><th></th><th>Доза</th><th>Даволаш курси</th></tr>
<tr><td>Ўсмирлар ва катта-лар</td><td>1 таблет-ка</td><td rowspan="2">Бошланғич доза: Кунига 2 марта 2-3 ой давомида. Аҳвол яхшилан-ганида 1</td></tr>
<tr><td>5-12 ёшлик болалар</td><td>1/2 таблетка</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | | марта-лик қабулга ўтиш мумкин (тутиб турувчи доза) |

**Сурункали юрак ишемик касаллиги**

| | **Доза** | **Даволаш курси** |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катта-лар | 1 таблет-ка | Бошланғич доза: Кунига 2 марта 1-2 ой давомида. Аҳвол яхшилан-ганида 1 марта-лик қабулга ўтиш мумкин (тутиб турувчи доза). |

**Артериал гипертензия**

| | **Доза** | **Даволаш курси** |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катта-лар | 1 таблет-ка | Бошланғич доза: Кунига 2 марта 2-3 ой давомида. Аҳвол |

| | | |
|---|---|---|
| | | яхшилан-ганида 1 марталик қабулга ўтиш мумкин (тутиб турувчи доза) |

**Нейроциркулятор дистония**

| | **Доза** | **Даволаш курси** |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катта-лар | 1 таблетка | Бошланғич доза: Кунига 2 марта 1-3 ой давомида. Аҳвол яхшилан-ганида 1 марталик қабулга ўтиш мумкин (тутиб турувчи доза). |
| 5-12 ёшдаги болалар | 1/2 таблетка | |

Даволашнинг бошида, шунингдек белгиларни тез сусайтириш талаб қиладиган ҳолларда катталар ва ўсмирлар ахволлари яхшиланмагунча,1 таблеткадан, 5-12 ёшлик болалар – 1/2 таблеткадан кунига 4 марта қабул қилишлари мумкин, лекин кунига 8 мартадан ошмаслиги керак. Кейинчалик кунига 2 марта қабул қилишлари мумкин.

**Қўллаш усули.**

Энг юқори самарага эришиш учун Пумпан препаратини овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин қабул қилиш керак, таблеткани тўлиқ эриб кетгунича тил тагида тутиб туриш лозим.

**Ножўя таъсири:** Аниқланмаган.

**Яроқлилик муддати:** 3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддатидан кейин препарат ишлатилмасин. Пумпан табиий ўсимлик компонентлари сақлагани туфайли, сақлашда таблетканинг таъмини ва рангининг бироз ўзгариши кузатилиши мумкин, лекин бу препаратнинг самарадорлигига таъсир қилмайди.

**Саклаш шароити.** 30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда ўзининг оригинал картон ўрамида, ёрујликдан ҳимояланган, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Ўрами:** №12, №24, №36, №48 таблеткадан блистерларда картон ўрамга жойланган.

**Бериш тартиби:** рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили:** «Рихард Биттнер АГ», Кернтнер Ринг 11-13, А-1010, Вена, Австрия.

## БУЙРАК КАСАЛЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАР

КАНЕФРОН® Н (Canephron® N)1323

**Препаратнинг савдо номи.** Канефрон® Н

**Дори шакли.** *Ичга қабул қилиш учун эритма ва драже*

**Таркиби.**

*100 г эритма қуйидагиларни сақлайди.*

*Ўсимлик хом ашёсидан ташкил топган 29 г сувли спиртли ажралмалар:*

| | |
|---|---|
| Centaurii herba (кичик тиллабош ўти) | - 0,6 г |
| Levistici radix (доривор любисток илдизи) | - 0,6 г |
| Rosmarini folia (розмарин япроқлари) | - 0,6 г |
| Этанол миқдори | - 16,0-19,5% (ҳажм нисбатида) |

*Қўшимча ингредиентлар.* Тозаланган сув.

*1 драже таркибида қуйидагиларни сақлайди.*

*Кукун шаклида майдаланган доривор ашёлар:*

Centaurii herba (кичик тиллабош ўти) -18 г

Levistici radix (доривор любисток илдизи) -18 г

Rosmarini folia (розмарин япроғлари) -18 г

*Қўшимча ингредиентлар.*

Маисли крахмал, юқори дисперсияланган кремний икки оксиди, лактоза $1H_2O$, поли (1-винил-2-пиролидон), магний стеарати.

*Драже қобиғи:* Қизил темир оксиди, рибофлавин Е 101, карбонат кальций, глюкозали сироп, модификациялаштирилган маисли крахмал, монтан гликол мўми, поли (1-винил-2-пиролидон), канакунжут мойи, сахароза, шеллак, тальк, титан иккиоксиди.

**Таърифи.**

*Ичиш учун эритма:* Сарғиш-жигарранг шаффоф ёки бироз лойқа суюқлик.

*Драже:*Доира шаклидаги икки томонлама қабариқ юзаси силлиқ қизғиш рангли.

**Фармакотерапевтик гуруҳи.** Диуретик восита

**Фармакологик хусусиятлари.**

Канефрон® Н таркибидаги доривор моддалари сийдик ҳайдовчи, спазмолитик, яллиғланишга қарши, антибактериал хусусиятларга эга.

**Қўлланилиши.**

Препарат сийдик пуфаги (цистит), ҳамда буйрак (пиелонефрит) инфекцияларини комплекс даволашда, буйракни ноинфекцион сурункали яллиғланишида (гламерулонефрит, интерстициал нефрит), сийдик тошларини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи восита сифатида (сийдик тошларини олиб ташлангандан кейин ҳам) қўлланилади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик.

**Ножўя таъсирлари**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Қўллаш дозалари**

*Катталарга:* 50 томчидан ёки 2 дражедан кунига 3 марта.

*Мактаб ёшидаги болаларга*: 25 томчидан ёки 1 дражедан кунига 3 марта.

*Мактабгача бўлган болаларга:* 15 томчидан кунига 3 марта.

*Эмизикли болаларга:* 10 томчидан кунига 3 марта.

Касалликнинг ўткир даври ўтиб кетганда Канефрон® Н билан даволанишни яна 2-4 ҳафта давом эттириш керак.

Зарур ҳолларда, масалан болаларга аччиқ таъмни йўқотиш учун, томчиларни бошқа суюқликлар билан қўллаш мумкин.

**Қўллаш усули.**

Драже чайнамасдан кам миқдордаги сув билан ютилади.

**Дозани ошириб юбориш.**

Ҳозирги кунга қадар доза оширилиб юборилгани ва заҳарланиш ҳҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири.**

Антибактериал воситалар билан бирга ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ҳақида маълумотлар маълум эмас.

**Ҳомиладорлик ва эмизиклик даврда қўлланилиши.**

Канефрон® Н ҳомиладорлик ва эмизиклик даврда фақат шифокор маслаҳатига кўра қўлланилиши мумкин.

**Махсус кўрсатмалар.**

Таркибида алкоголь мавжудлиги туфайли алкоголизмга дучор бўлган ҳамда алкоголизмга қарши самарали даво олган беморларда препаратни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Жигар хасталиги бўлган беморларга препарат фақат шифокор маслаҳатидан сўнг тавсия этилади.

Флаконни ишлатилаётганда вертикал ҳолатда ушлаб туринг.

Канефрон® Н томчиларини сақлаш жараёнида суюқликни бир оз хиралашиши ёки чўкма ҳосил қилиши мумкин. Бу препарат самарасига таъсир этмайди.

Қўллашдан аввал Канефрон® Н томчиларини силкитиш лозим.

Препарат беморнинг транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этмайди.

**Қанд касаллиги бўлган беморларда қўллаш мумкинлиги:**

Бир драже 0,03 кам «нон бирлиги» («хлебные единицы» (ХЕ)) ни сақлайди.

**Чиқарилиш шакли.**

*Драже:* Ҳар бир блистерда 20 драже, ўрам ўлчови (3х20) 60 драже.

*Ичга қабул қиладиган эритма учун:* 50 мл; 100 мл флакон-капельницаларда.

**Сақлаш шароити.** Ичга қабул қиладиган эритма ва дражени қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати.** 3 йил.

Очилган флаконларни 6 ой мобайнида ишлатиш мумкин.

Ўрамда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг препарат ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби.**

Шифокор рецептисиз.

**Ишлаб чиқарувчи.**

Бионорика АГ D-92308 Ноймаркт/Германия.

## АФАЛА (AFALA)

**Савдо номи: АФАЛА**

**Дори шакли:** гомеопатик таблеткалар

**Таркиби:** простата специфик антигенига аффин тозаланган антитела: С12, С30 ва С200 гомеопатик суюлтиришларнинг аралашмаси 0,003 г.

Ёрдамчи моддалар: лактоза, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи:** яссицилиндрик шаклли, риска ва фаскали, оқдан деярли оқ ранглигача бўлган таблеткалар. Ясси рискали томонида «MATERIA MEDICA» ёзуви, бошқа ясси томонида «AFALA» ёзуви бор.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:**

Сийдик-жинсий аъзолари фаолиятини бошқарувчи восита; гомеопатик восита.

**Фармакологик таъсири**

Простата безидаги шиш ва яллиғланиш кўринишларини камайтиради. Яллиғланишда унинг функционал ҳолатини меъёрлаштиради. Уродинамикани яхшилайди, қолдиқ сийдик ҳажмини камайтиради, сийдик чиқариш йўлларининг қуйи бўлимларининг тонусини меъёрлаштиради, дизурик бузулишларнинг (тез-тез сийишлар, шу жумладан тунги, сийишни қийинлашиши, чов соҳасида оғриқлар ёки дискомфорт), камайишига ёрдам беради.

**Қўлланилиши**

Дизурик бузилишлар билан бирга кечувчи простата безининг I ва II даражали хавфсиз гиперплазияси. Ўткир ва сурункали простаталарни мажмуавий даволаш таркибида (яллиғланишга қарши ва антибактериал воситалари билан бирга).

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига юқори шахсий сезувчанлик.

**Қўллаш усули ва дозалари**

1-2 таблеткадан овқат қабул қилишдан қатъий назар суткада 4 мартагача. Таблеткани ютмасдан, тўлиқ эриб кетгунча оғизда тутиб туриш лозим. Тавсия қилинадиган даволаш курсининг давомийлиги: 16 хафтагача.

Зарурати бўлганида даволашнинг такрорий курсини шифокор тавсияси бўйича 1,5-2 ойдан кейин ўтказиш мумкин.

**Ножўя таъсири**

Аллергик реакциялар

**Дозани ошириб юборилиши**

Тасодифан доза ошириб юборилгани дори шакли таркибига кирувчи тўлдирувчилар билан боғлиқ бўлган диспептик кўринишлар бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Бошқа дори воситалари билан номутаносибллик ҳоллари ҳозирги вақтгача қайд этилмаган.

**Махсус кўрсатмалар**

Препарат таркибига лактоза киради, шу сабабли уни туғма галактоземия, глюкоза ёки галактозани кам сўрилиши синдроми, ёки туғма лактоза етишмовчилиги бўлган пациентларга буюриш тавсия қилинмайди.

**Чиқарилиш шакли**

Гомеопатик таблеткалар. 20, 50, 75 ёки 100 таблеткадан оғзи винтли ва қопқоғи бураладиган витамин ва дори воситалари учун полимер банкаларда ёки амортизаторли ва биринчи очиш назоратили тортиладиган қопқоқли витамин ва дори воситалари учун полимер банкаларда.

20 таблеткадан поливинилхлорид плёнка ва алюминий фольга контур уяли ўрамда.

1, 2 ёки 5 контур уяли ўрамдан ёки ҳар бир банка қўллаш йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, $25^{0}$ С дан юқори бўлмаган ҳароратда.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

«НПФ «Материа Медика Холдинг» МЧЖ; 127473, Россия, Москва,

3-й Самотечный пер., 9 уй. Тел. (495) 684 43 33.

## ИМПАЗА
## (IMPAZA)

**Савдо номи:** ИМПАЗА

**Дори шакли:** гомеопатик таблеткалар

**Таркиби:** Эндотелиал NO-синтазага нисбатан аффин тозаланган антителалар: C12, C30 ва C200 гомеопатик суюлтиришларнинг аралашмаси.

Ёрдамчи моддалар: лактоза, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи.** Оқдан то деярли деярли оқ ранглигача бўлган, яссицилиндрик шаклли, риска ва фаскали таблеткалар. Рискали ясси томонида MATERIA MEDICA ёзуви, бошқа томонида IMPAZA ёзуви туширилган.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Эрекциянинг бузилишларини даволаш учун препаратлар.

**АТХ коди:** G04BE

**Фармакологик таъсири**

Импаза эндотелиал NO-синтаза фаоллигини оширади, сексуал рағбатлашиши даврида эндотелиал азот оксидини (NO) ишлаб чиқарилишини тиклайди, силлиқ мушакларда циклик гуанозинмонофосфатнинг (цГМФ) миқдорини оширади ва уларни бўшашишига ёрдам беради, бу ғоваксимон танани қон билан тўлишини ошишига олиб келади.

Кўрсатилган самаралари эрекцияни кучи ва давомлилиги бўйича етарли бўлишини таъминлайди.

Эрекцияни марказий бошқарув механизмларига ижобий таъсир кўрсатиши ҳисобига, препарат либидони (жинсий истак) оширади ва жинсий алоқадан қониқишни таъминлайди.

Препаратни узоқ муддат қўллаш қон зардобида тестостерон миқдорини ошишига олиб келади (унинг миқдори меёридан бироз паст бўлганида).

**Қўлланилиши**

Турли келиб чиқишга эга эрекциянинг бузилишлари.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Преарат компонентларига юқори шахсий сезувчанлик.

**Қўллаш усуллари ва дозалари**

Ичга, овқат қабул қилишдан қатъий назар қабулга 1 таблеткадан. Таблеткани тўлиқ сўрилиб кетгунча (чайнамасдан ва ютмасдан) оғзида тутиб туриш лозим.

Қўллаш вариантлари:

1. Вақти-вақти билан қабул қилиш. Эрекцияни рағбатлантириш учун препарат жинсий алоқа мўлжалланган куни икки марта қабул қилинади: жинсий алоқадан 2 соат олдин 1 таблетка ва 1 соат олдин яна 1 таблетка.
2. Мунтазам қабул қилиш. Жинсий қувватини барқарорлаштириш учун (жинсий алоқа қилиш қобилияти) касалликнинг органик омиллари бўлганида 12 ҳафталик даволаш курси тавсия этилади. Шу вақт давомида препарат кунора 1 таблеткадан то кунига 2 мартагача (дисфункциянинг оjирлигига қараб) яхшиси оқшомда қабул қилинади.

Климактерик бузилишларини даволаш мақсадида ҳам препаратни 12 ҳафта қўллаш лозим (1 таблеткадан кунора).

Юқорида қайд зарурати бўлганида курсли даволаш 4-6 ой ўтгач такрорлаш тавсия этилади.

**Ножўя таъсири**

Препарат ушбу кўрсатишлар бўйича, кўрсатилган дозаларда ишлатилганида ножўя таъсирлари аниқланмаган.

**Дозани ошириб юборилиши**

Тасодифан доза ошириб юборилганида дори шаклининг таркибига кирувчи тўлдирувчилар билан боjлиқ бўлган диспепсик кўринишлар бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Юрак ишемик касаллигининг I-II функционал синфи бўлган беморларда нитратларни қабул қилиш фонида Импазани қўллаш мумкин.

Одатда юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертензияси бўлган пациентлар томонидан ишлатиладиган бошқа препаратлар (бета-адреноблокаторлар,

симпатолитиклар, ААФ ингибиторлари, диуретиклар) билан Импазанинг ўзаро таъсирининг махсус текширишлари ўтказилмаган; ҳозирги вақтгача кўрсатилган воситалар билан Импаза бир вақтда қўлланганида ўзаро таъсирнинг нохуш реакциялари қайд этилмаган.

**Махсус кўрсатмалар**

Препаратнинг таркибига лактоза киради, шунинг муносабати билан уни туғма галактоземияси, глюкоза ва галактозанинг кам сўрилиш синдроми ёки туғма лактоза етишмовчилиги бўлган пациентларга буюриш тавсия этилмайди.

**Чиқарилиш шакли.**Гомеопатик таблеткалар. 10, 20 ёки 40 таблеткадан витаминлар ва дори воситалари учун бурама ожизли ва бурама қопқоқли полимер банкаларда ёки витаминлар ва дори воситалари учун биринчи очиш назоратили тортилувчи қопқоқли ва хушбўйи полимер банкаларда.

20 таблеткадан поливинилхлорид плёнка ва алюмин фольга контур уяли ўрамда.

Ҳар бир банка ёки контур уяли ўрам қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25 $^{0}$С дан юқори бўлмаган ҳароратда.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

«НПФ «Материа Медика Холдинг» МЧЖ; 127473, Россия, Москва ш.,

3-й Самотечный пер., 9 уй. Тел/факс (495) 684-43-33.

## ГЕНТОС (CENTOS)

**таблеткалари**

**(мажмуавий гомеопатик препарат)**

**Препаратнинг савдо номи:** Гентос

**Дори шакли:** таблеткалар.

**Дори воситасининг таркиби:** *фаол моддалар:* 1 таблетка қуйидагиларни саклайди: Populus D1 25,0 мг, Sabal D6 37,2 мг, Conium D6 37,2 мг, Kalium jodatum D12 37,2 мг, Ferrum picrinicum D12 37,2 мг, *ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, картошка крахмали, магний стеарати.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** мажмуавий гомеопатик препарат.

**Қўлланилиши:** простата безининг ўткир ва сурункали касалликлари (простата безининг гиперплазияси, простатит); эркаклар ва аёллардаги қовуқнинг касалликлари (цистит, қовуқнинг атонияси), сийишнинг бузилишларини, жумладан операциядан кейинги даврдаги мажмуавий даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:** препаратнинг ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанлик (аллергия).

**Қўллашдаги эҳтиёткорлик:** Ҳомиладорлик ва лактация вақтида препарат қабул қилинганида ҳомила ёки бола учун қандай бўлмасин хавф ҳақида маълумот шу вақтгача қайд қилинмаган. Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни шифокор тавсияси бўйича қўллаш мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири:** Гентос препаратининг бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири аниқланмаган. Препаратнинг ҳар қандай дори воситалари ва даволаш усуллари билан комбинациялаш мумкин.

**Қўллаш усули ва дозалари.**

**Простата безининг яхши сифатли гиперплазияси**

| | **Доза** | **Даволаш** |
|---|---|---|

| | | **курси** |
|---|---|---|
| Катталар | 1 таблетка | Кунига 2 марта 3 ой давомида |

**Цистит, қовуқнинг атонияси**

| | **Доза** | **Даволаш курси** |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катта-лар | 1 таблетка | Цистит: даво-лашнинг 1-2 кунлари кунига 4 марта, сўнгра кунига 2 марта 2 ҳафта давомида. Қовуқнинг ато-нияси: кунига 2 марта 3 ой давомида. |
| 5-12 ёшли болалар | 1/2 таблетка | |

**Простатит**

| | **Доза** | **Даволаш курси** |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катта-лар | 1 таблетка | Кунига 2 марта 1-3 ой давомида |

**Сийишнинг бузилиши, жумладан операциядан кейинги даврдаги**

| | **Доза** | **Даволаш курси** |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катта-лар | 1 таблетка | Кунига 2 марта 3 ой давомида. |
| 5-12 ёшли болалар | 1/2 таблетка | |

Даволашни бошида, шунингдек белгиларнинг тез сусайтириш талаб қиладиган ҳолларда катталар ва ўсмирлар аҳволлари яхшиланмагунича,1 таблеткадан, 5-12 ёшдаги болалар – 1/2 таблеткадан кунига 4 марта қабул қилишлари мумкин, лекин кунига 8 мартадан ошмаслиги керак. Кейинчалик кунига 2 марта қабул қилишлари мумкин.

Энг юқори самарага эришиш учун Гентос препаратини овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин қабул қилиш керак, таблеткани тўлиқ эриб кетгунча тил тагида тутиб туриш лозим.

**Ножўя таъсири:** аниқланмаган.

**Яроқлилик муддати:** 3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддатидан кейин препарат ишлатилмасин. Гентос табиий ўсимлик компонентларни сақлагани туфайли, сақлашда таблетка таъмининг ва рангининг бироз ўзгариши кузатилиши мумкин, бу препаратнинг самарадорлигини пасайишига олиб келмайди.

**Сақлаш шароити:** 30°С дан юқори бўлмаган ҳароратда ўзининг оригинал картон ўрамида, ёруғликдан ҳимояланган, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Ўрами:** №20, №40, №60 таблеткадан блистерларда картон ўрамга жойланган.

**Бериш тартиби:** рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили:** «Рихард Биттнер АГ», Кернтнер Ринг 11-13, А-1010, Вена, Австрия.

## ЖИГАР ПАТОЛОГИЯСИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАР

# ГАЛСТЕНА (GALSTENA)

## таблеткалари

## (мажмуавий гомеопатик препарат)

**Препаратнинг савдо номи:** Галстена

**Дори шакли:** таблеткалар.

**Дори воситасининг таркиби:** *фаол моддалар:* 1 таблетка қуйидагиларни сақлайди: Carduus D1 7,4 мг, Taraxacum D6 37,2 мг, Chelidonium D6 37,2 мг, Natrium sulfuricum D12 37,2 мг, Phosphorus D12 37,2 мг; *ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, картошка крахмали, магний стеарати.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** мажмуавий гомеопатик препарат.

**Қўлланилиши:** Препарат ўткир ва сурункали жигар касалликларини, ўт пуфагининг касалликларини ва сурункали панкреатитни мажмуавий даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:** препаратнинг ҳар қандай компонентига бўлган юқори сезувчанлик (аллергия).

**Қўллашдаги эҳтиёткорлик:** Ҳомиладорлик ёки эмизикли даврда препаратни қўллашда ҳомила ёки бола учун қандай бўлмасин хавф ҳақида маълумот шу вақтгача қайд қилинмаган. Ҳомиладорлик ва эмизикли даврида препаратни шифокор тавсияси бўйича қўллаш мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири:** Галстена препаратининг бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири аниқланмаган. Препаратнинг ҳар қандай дори воситалари ва даволаш усуллари билан комбинациялаш мумкин.

**Қўллаш усули ва дозалари:**

***Ўткир ва сурункали гепатит, гепатоз ва жигар циррози, сурункали панкреатит***

| | Дозалар | Даволаш курси |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катталар | 1 таблетка | Кунига 2 марта 3 ой давомида. Зарурат |

| | | |
|---|---|---|
| 5-12 ёшли болалар | 1/2 таблетка | туғилганида шифокор билан маслаҳатлашиб, даволаниш курсини такрорлаш мумкин. |
| 5 ёшгача бўлган болалар | 1/4 таблетка | |

***Ўт пуфагининг сурункали касаллиги, ўт-тош касаллиги, ўт пуфагини хирургик даволашдан кейин***

| | Дозалар | Даволаш курси |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катталар | 1 таблетка | Кунига 2 марта 3 ой давомида. Зарурат туjилганида шифокор билан маслаҳатлашиб, даволаниш курсини такрорлаш мумкин. |
| 5-12 ёшли болалар | 1/2 таблетка | |
| 5 ёшгача бўлган болалар | 1/4 таблетка | |

Даволашни бошида, шунингдек белгиларнинг тез сусайишни талаб қиладиган ҳолларда, катталар ва ўсмирлар аҳволлари яхшиланмагунича, 1 таблеткадан, 5-12 ёшли болалар – 1/2 таблеткадан, 5 ёшгача бўлган болалар – 1/4 таблеткадан кунига 4 марта қабул қилишлари мумкин, лекин кунига 8 мартадан ошмаслиги керак. Кейинчалик кунига 2 марта қабул қилишлари мумкин.

**Қабул қилиш усули.**

Энг юқори самарага эришиш учун Галстена препаратини овқат қабул қилишдан 30 минут олдин ёки 1 соат кейин қабул қилиш керак, таблеткани тўлиқ эриб кетгунича тил тагида тутиб туриш лозим. 5 ёшгача бўлган болаларга қабул қилиш қулай бўлиши учун таблеткани кўп бўлмаган миқдордаги сувда эритиш лозим.

**Ножўя таъсири:** аниқланмаган.

**Яроқлилик муддати:** 3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач препарат ишлатилмасин. Галстена табиий ўсимлик компонентларни сақлагани туфайли, сақлашда таъмини ва рангини бироз ўзгариши кузатилиши мумкин, бу препаратнинг самарадорлигини пасайишига олиб келмайди.

**Сақлаш шароити:** 30°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, ўзининг оригинал картон ўрамида, ёруғликдан ҳимояланган, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Ўрами:** №12, №24, №36, №48 таблеткалар блистерларда картон ўрамга жойланган.

**Бериш тартиби:** рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили:** «Рихард Биттнер АГ», Кернтнер Ринг 11-13, А-1010, Вена, Австрия.

## АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАР

### РЕМЕНС (REMENS) таблеткалари

### (мажмуавий гомеопатик препарат)

**Препаратнинг савдо номи:** Ременс

**Дори шакли:** гомеопатик тил ости таблеткалари

**Таркиби:** 1 таблетка (250 мг) қуйидагиларни сақлайди: *фаол моддалар:* Цимицифуга (Cimicifuga) D1 – 17,9 мг, Канада сангвинарияси (Sanguinaria) D6 – 37,2 мг, Пилокарпус (Jaborandi) D6 – 37.2 мг, Каракатица безининг секрети (Sepia) D12 – 37,2 мг, Сурукуку илонининг заҳари (Lachesis) D12 – 37,2 мг; *ёрдамчи моддалар:* лактоза моногидрати, картошка крахмали, магний стеарати.

**Таърифи:** доғлар бўлиши мумкин бўлган сарғиш тусли оқ рангли, ҳидсиз, думалоқ, яссицилиндрик шаклли, фаска вар искали таблеткалар.

**Қўлланилиши:** хайз кўриш циклининг бузилишлари (хайз куриш арафаси синдроми, дисменорея ва иккиламчи аменорея), климакс синдроми, эндометрит, аднекситни мажмуавий даволашда қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар:** препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик.

**Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши:** ҳомиладорлик ва лактация даврида препарат шифокор буюриши бўйича қўлланади.

**Қўллаш усули ва дозалари:**

***Хайз кўриш циклининг бузилишлари (хайз куриш арафаси синдроми, дисменорея ва иккиламчи аменорея)***

| | Доза (бир марталик) | Даволаш курси |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катталар | 1 таблетка | Кунига 3 марта 3 ой давомида. Зарурат туғилганида, шифокор билан маслаҳатлашиб, даволаш курсини 1 ойдан кейин такрорлаш мумкин. |

***Климакс синдроми***

| | Доза (бир марталик) | Даволаш курси |
|---|---|---|
| Катталар | 1 таблетка | Кунига 3 марта 6 ой давомида. Аҳвол яхшиланганида 1-2 марталик қабулга ўтиш лозим. |

***Аёллар жинсий аъзоларининг сурункали шамоллаш касалликлари***

| | Доза (бир марталик) | Даволаш курси |
|---|---|---|
| Ўсмирлар ва катталар | 1 таблетка | Кунига 3 марта 3 ой давомида. Зарурат туjилганида, шифокор билан маслаҳатлашиб, даволаш курсини 1 ойдан кейин такрорлаш мумкин. |

Даволашнинг бошида, шунингдек белгиларни тез сусайтириш талаб қиладиган ҳолларда аҳвол яхшиланмагунича, 1 таблеткадан ҳар бир соат ёки ярим соатда қабул қилиниши мумкин, лекин кунига 8 мартадан ошмаслиги керак. Кейинчалик кунига 3 марта қабул қилинади.

**Ножўя таъсири:** шу вақтгача ножўя таъсирларнинг пайдо бўлиши қайд қилинмаган.

**Дозани ошириб юборилиши:** дозани ошириб юбориш ҳоллари шу вақтга қайд қилинмаган.

**Бошқа доривоситалари билан ўзаро таъсири:** препаратнинг бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятли ўзаро таъсири аниқланмаган.

**Чиқарилиш шакли:** ПВХ/ПВДХ алюмин фольга блистерда 12 таблеткадан. 1, 2, 3 ёки 4 блистер тиббиётда қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Сақлаш шароити:** 25°Сдан юқори бўлмаган ҳароратда, ёруғликдан ҳимоя қилинган жойда сақлансин.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Сақлаш муддати:** 3 йил. Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддатидан кейин ишлатилмасин.

**Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили:** «Рихард Биттнер АГ», Керннер Ринг 11-13, А-1010, Вена, Австрия.

**МАСТОДИНОН® (**Mastodynon®)

**Препаратнинг савдо номи.** Мастодинон

**Дори шакли.** Ичиш учун томчилар.

**Таркиби.**

*Томчиларнинг 100 граммида қуйидагилар мавжуд:*

| | |
|---|---|
| Agnus castus D1 (авлиё Витекс ёки Авраам дарахти) | 20 г |
| Caulophyllum thalictroides D4 (Стеблелист василистниковидный) | 10 г |
| Cyclamen D4 (Европа Цикламени) | 10 г |
| Ignatia D6 (Чилибуха Игнация) | 10 г |
| Iris D2 (Турли рангли Ирис) | 20 г |
| Lilium tigrinum D3 (Йўлбарс Лилияси) | 10 г |

Этанол миқдори: 47,0-53,0% (ҳажм нисбатида)

**Таърифи.**

Шаффоф, бироз сарғиш, ҳиди хушбўй, аввалига бироз ширин, кейинчалик эса ўткир аччиқ таъмга эга суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи.** Акушерлик ва гинекологияда қўлланиладиган дори воситалари.

**Қўлланилиши.**

*Симптоматик воситаси сифатида қуйидагиларни даволашда қўлланилади:*

- менструация олди синдроми (мастодиния (сут безларининг таранглашиши), психик лабил ҳолат, қабзият, шишлар, бош оғриш/мигрень); фиброз-кистозли мастопатия;
- менструал циклни бузилиши ва/ёки сариқ тана етишмовчилиги натижасида ривожланадиган бепуштлик.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

Препарат компонентларига бўлган юқори сезувчанлик. Препаратни ҳомиладорлик ва эмизикли даврда қўллаш тавсия этилмайди.

**Қўллаш усули ва дозалари.**

Бир кунда 2 марта 30 томчидан (эрталаб ва кечқурун) бир оз сув ёки бошқа суюқлик билан суюлтириб қўлланилади. Мастадинон камида 3 ой қабул қилиниши лозим, шу жумладан менструация даврида ҳам. Ижобий ўзгаришлар одатда 6 ҳафтадан кейин кузатилади. Препаратни қабул қилиш тўхтатилгандан сўнг ҳам беморнинг шикоятлари яна қайта такрорланса даволовчи шифокор маслаҳати билан даволаш давом эттирилиши лозим.

**Ножўя таъсирлари.**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин. Жуда кам ҳолатларда ошқозонда оғриқлар, кўнгил айниши, бир оз тана вазнини ошиши, қичишиш билан кечадиган экзантемалар, тошмалар ва бош оғриғи, ҳамда препарат таркибида Agnus castus бўлгани туфайли вақтинчалик психомотор қўзғалишлар, эс чайқалиши ва галлюцинациялар кузатилади. Бу ҳолатларда шифокорга мурожаат қилинади ва препарат қўлланилиши тўхтатилади.

**Бошқа дори воситалари билан қзаро таъсири.** Таърифланмаган.

Маълумки гомеопатик даволаниш ўтказилганда чекиш ва алкоголни истеъмол қилиш каби зарарли одатлар гомеопатик дори воситасининг самарасига салбий таъсир этади.

**Махсус кўрсатмалар.**

Мастодинон® томчилари кўкрак бези хавфли ўсмаларида қўлланилмайди. Таркибида этанол сақланиши туфайли (47-53% ҳажм нисбатида) ушбу дори воситасини алкоголга қарши даволаниш ўтказилганида қўллаш тавсия этилмайди.

Жигар хасталикларида эса препаратни фақат шифокор маслаҳатидан сўнг қўллаш лозим.

Тавсия этилган дозаларда препарат беморларни транспорт ҳайдаш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир этмайди.

Гомеопатик препаратлар билан даволаш бошқа дори воситалари билан даволанишни инкор қилмайди.

Препаратни сақлаш даврида уни хиралашиши ва кам миқдорда чўкма ҳосил бўлишига рухсат этилади. Бундай ўзгаришлар препарат самарасига таъсир кўрсатмайди.

**Чиқарилиш шакли.**

50 ва 100 мл ли флаконларда ичиш учун мўлжалланган томчилар.

**Сақлаш шароити.**

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, болалар олаолмайдиган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

**Яроқлилик муддати.** 3 йил.

Ўрамда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг препарат ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби.**

Шифокор рецептисиз берилади.

**Ишлаб чиқарувчи.**

БИОНОРИКА АГ D-92308 Ноймаркт/Германия.

## **КЛИМАДИНОН® (**KLIMADINON®)

**Препаратнинг савдо номи.** Климадинон®

**Дори шакли.** *Қобиқ билан қопланган таблеткалар ва*

*Ичга қабул қилиш учун эритма.*

**Таркиби**

*100 г Климадинон® эритмасида қуйидагилар мавжуд:*

2,4 г куритилган ўсимлик хом ашёсига эквивалент бўлган

12 г цимицифуга илдизпоясини (Cimicifugae rhizome) сақлайди.

Этанол микдори: 35,0-40,0% (ҳажмига нисбатан).

*Қўшимча ингредиентлар.*

Натрий сахарини $2H_2O$, ялпиз мойи, тозаланган сув.

*Қобиқ билан қопланган 1 та таблетка Климадинон® таблеткаси таркиби:*

20 мг цимицифуга илдизпоясини қуруқэстракти, бу эса 20 мг қуритилган доривор ўсимлик хом ашёсига мувофикдир.

*Қўшимча ингредиентлар.*

Лактоза $1H_2O$, картошка крахмали, магний стеарати, икки сув молекуласини тутган кальций водородфосфати, тальк, титан (IV) оксиди (Е 171), сариқ темир оксиди (Е 172), қизил темир оксиди (Е 172), макрогол 6000, аммиак метакрилат сополимери.

**Таърифи.**

*Эритмаси:* ширин таъмли ва ёғоч ҳидига ўхшаш оч жигарранг шаффоф суюқлик. Сақлаш жараёнида бир оз чўкма ҳосил қилиши мумкин.

*Қобиқ билан қопланган таблеткалар:* доира шаклида икки томонлама қабариқ пушти рангли силлиқ юзали

**Фармакотерапевтик гуруҳи.** Акушерлик ва гинекологияда қўлланиладиган дори воситалари.

**АТХ коди.** N05CM

**Фармакологик хусусиятлари.**

Климадинон® эстрогенсимон самарага эга, седатив таъсири бўлган восита. Вегетатив нерв тизимига ижобий терапевтик таъсир кўрсатади. препарат климактерик даврида дармонсизлик симптомларини камайтиради ёки бартараф қилади.

Климадинон® ни терапевтик самараси аста-секин ривожланади ва тахминан 2 ҳафтада намоён бўлади.

**Қўлланилиши.**

Менструациядан аввал, менструация даврида ва кейинги давридаги кузатиладиган вегетатив-қон томир бузилишлари («қуйилиш» ҳиссиёти, кучли терлаш, уйқуни бузилиши, асабийлашиш, кайфиятни тушиб кетиши, апатия ва б.).

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.**

Препарат компонентларига бўлган индивидуал юқори сезувчанлик. Эстрогенларга боғланиш бўлган ўсмаларда қўллаш мумкин эмас. Алкоголизмга дучор бўлган беморларга буюрилмайди (этил спирти тутганлиги туфайли).

**Қўллаш усули ва дозалари**

Эритма ҳолатдагисидан 30 томчидан ёки 1 таблеткадан 2 марта куннинг бир хил вақтларида (эрталаб ва кечқурун) қабул қилинади.

Таблеткалар чайналмасдан кам миқдордаги сув билан ютилади.

Даволашнинг давомийлигини шифокор белгилайди.

**Ножўя таъсирлари.**

Баъзи ҳолатларда қоринни тепа қисмида оғриқ бўлиши кузатилади.

Препарат компонентларига аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Махсус кўрсатмалар**

Шифокор маслаҳатисиз препаратни 3 ойдан ортиқ қўллаш мумкин эмас. Ҳомиладорлик даврида препарат қўллашни тўхтатиб шифокор маслаҳатига мурожаат қилинг.

Жигар касалликлари, эпилепсия, бош мия касалликлари ёки травмаси бор беморлар препаратни фақат шифокор маслаҳати билан қабул қилиш лозим.

Эритмани қўллашда флаконни вертикал ҳолатда ушлаб турилади.

Эритмани сақлаш жараёнида эритмани бир оз хиралашиши ёки чўкма ҳосил қилиши кузатилади. Лекин бундай ўзгаришлар препаратнинг самарадорлигига таъсир қилмайди.

Препаратни қўллашдан аввал силкитиш лозим!

Препарат тавсия этиладиган дозаларда беморнинг автомобиль ҳайдаш, механизмлар билан ва юқори эътиборни талаб қиладиган фаолиятларга деярли таъсир этмайди.

**Чиқрилиш шакли.**

*Ичга қабул қиладиган эритма учун:* 50 мл ёки 100 мл флаконларда.

*Қобиқ билан қопланган таблеткалар*: ҳар блистерда 15 ва 20 тадан.

Ўрамларнинг ўлчами: (4x15)60 ва (5x20)100 қобиқ билан қопланган таблеткалар.

**Сақлаш шароити.**

Ичга қабул қиладиган эритма ва қобиқ билан қопланган таблеткаларни қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати.** 3 йил.

Ўрамда кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг препарат ишлатилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби.**

Шифокор рецептисиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

Бионорика АГ D-92308 Ноймаркт/Германия

## КЛИМАКСАН ГОМЕОПАТИЧЕСКИЙ

**Препаратнинг савдо номи.** Климаксан гомеопатический

**Дори шакли**

Гомеопатик таблеткалар

Таркиби

*Фаол компонентлар:*

Cimicifuga racemosa, Cimicifuga (Цимицифуга рацемоза, Цимицифуга) C200; Lachesis mutus, Lachesis (Лахезис мутус, Лахезис) C50; Apis mellifica, Apis (Апис меллифика, Апис) C200.

*Ёрдамчи моддалари:* лактоза, микрокристаллик целлюлоза, магний стеарати.

**Таърифи**

Оқдан то деярли оқ ранглигача, яссицилиндрик шаклли, фаскали таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Гомеопатик восита

**Қўлланилиши.** Климактерик синдром кўринишларини (таъсирчанлик, эмоционал лабиллик, уйқуни бузилиши, бош оғриғи, бош айланиши, юрак уриши, тер босиши, «оқиб келишлар») симптоматик даволаш воситаси сифатида қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат кунига 2 марта эрталаб ва кечқурун, бир қабулга 1 таблеткадан овқатдан камида 15 минут олдин қабул қилинади. Таблеткаларни батамом эриб кетгунича ојизда тутиб туриш (чайнамасдан ва ютмасдан) лозим. Қўллашнинг давомийлиги 1-2 ойни ташкил қилади. Оир кечувчи климаксда препарат қабул қилишни кунига 3-4 мартагача ошириш мумкин. Зарурати бўлганида даволаш курсини 2-3 ҳафтадан кейин қайтариш мумкин.

**Ножўя таъсири**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Дозани ошириб юборилиши**

Доза тасодифан ошириб юборилганида препаратнинг таркибига кирувчи тўлдирувчилари билан бојлиқ бўлган диспептик кўринишлар бўлиши мумкин.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан номутаносиблик ҳоллари қайд этилмаган.

**Махсус кўрсатмалар**

Препаратнинг таркибига лактоза киради, шунинг учун уни тујма галактоземияси, глюкоза ёки галактозани кам сўрилиши синдроми, ёки тујма лактоза етишмовчилиги бўлган пациентларга буюриш тавсия этилмайди.

**Чиқарилиш шакли**

Гомеопатик таблеткалар. 20 таблетка поливинилхлорид плёнка ва алюмин фольга контур уяли ўрамда. 20, 30 ёки 50 таблеткадан витаминлар ва дори воситалари учун винтли ојизи ва бураладиган қопқоқли полимер банкада ёки витаминлар ва дори воситалари учун амортизатор ва биринчи очиш назорати бўлган тортилувчи қопқоқли полимер банкада.

1 ёки 2 контур уяли ўрамдан ёки ҳар бир банка қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25 $^{0}$C дан юқори бўлмаган ҳароратда.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

«НПФ «Материа Медика Холдинг» МЧЖ; 127473, Россия, Москва ш.,
3-й Самотечный пер., 9 уй. Тел./факс: (495) 684-43-33.

## КЛИМАКСАН ГОМЕОПАТИЧЕСКИЙ

**Препаратнинг савдо номи.** Климаксан гомеопатический

**Дори шакли**

Гомеопатик грануллалар

**Таркиби**

*Фаол компонентлар:*Cimicifuga racemosa, Cimicifuga (Цимицифуга рацемоза, Цимицифуга) С200; Lachesis mutus, Lachesis (Лахезис мутус, Лахезис) С50; Apis mellifica, Apis (Апис меллифика, Апис) С200.

*Ёрдамчи моддалари:* гомеопатик гранулалар (қандли ёрма).

**Таърифи**

Оқдан то деярли оқ ранглигача, ёт ҳидлари бўлмаган, шарсимон шаклли бир хил гранулалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Гомеопатик восита

**Қўлланилиши**

Климактерик синдром кўринишларини (таъсирчанлик, эмоционал лабиллик, уйқуни бузилиши, бош оғриғи, бош айланиши, юрак уриши, тер босиши, «оқиб келишлар») симптоматик даволаш воситаси сифатида қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Препарат кунига 2 марта эрталаб ва кечқурун, бир қабулга 5 рануладан овқатдан камида 15 минут олдин қабул қилинади. Гранулалар батамом эриб кетгунича оғизда тутиб туриш (чайнамасдан ва ютмасдан) лозим. Қўллашнинг давомийлиги 1-2 ойни ташкил қилади. Оғир кечувчи климаксда препарат қабул қилишни кунига 3-4 мартагача ошириш мумкин. Зарурати бўлганида даволаш курсини 2-3 ҳафтадан кейин қайтариш мумкин.

**Ножўя таъсири**

Аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

**Дозани ошириб юборилиши**

Маълумотлар йўқ.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Ҳозирги вақтгача бошқа дори воситалари билан номутаносиблик ҳоллари қайд этилмаган.

**Чиқарилиш шакли**

Гомеопатик гранулалар. 10 г ли грануладан уч қаватли мажмуавий материалли пакетда. Ҳар бир пакет қўллаш бўйича йўриқномаси билан картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган, 25 $^{0}$С дан юқори бўлмаган ҳароратда.

Болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтганидан сўнг қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

«НПФ «Материа Медика Холдинг» МЧЖ; 127473, Россия, Москва ш.,

3-й Самотечный пер., 9 уй. Тел/факс (495) 684-43-33.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1.Энциклопедический справочник. Современные лекарства.- М.: Русское энциклопедическое товарищество, 2005; М.: Олма-Пресс, -2005.- 372с.

2.Тихонов А.И. и др. Основі гомеопатической фармации. – Харьков.- Золотіестраниці.-2002.-574с.

3.Тихонов А.И., Ярніх Т.Г. Технология лекарств.- Харьков.- 2002.-704с.

4.Махмуджонова К.С., Назарова З.А., Туреева Г.М. Махсус дори турлари технологияси. Тошкент. 2009.-163б.

5.Зайнутдинов Х.С., Зиямухамедова Р.М., Дустмуратов М.М. Махаллий ишлаб чиқариладиган рецептсиз сотиладиган дори воситаларини қўллаш бўйича йўриқномалар тўплами.Тошкент. Олмос килич нашриёти,- 2014.-Б.-315.
6.Асатов С.И., Зиямухамедова Р.М.,Зайнутдинов Х.С., Саидов М.А. Рецептсиз сотиладиган дори восталарини қўллаш бўйича йўриқномалар тўплами. Тошкент. Олмос килич нашриёти,- 2014.-Б.-463.
7.Государственный Реестр лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники, разрешённых к применению в медицинской практике.-26изд.uzpharm-control.uz,2022.-1000с.
8. Салихўжаев З.нинг "Дори воситалари" китоби, Тошкент: «Камалак», 2020.
9. Назиров З.Н. Гомеопатия.-Тошкент. 2001.-96б.
10. Амеке В. Возникновение гомеопатии и борьба против её распространиения.-Смоленск: Гомеопатическая медицина, 2002.-379с.
11. Алефиров А.Н. Гомеопатия. Полная энциклопедия /С-Пб.:ИД "ВЕСЬ",2001.-348с.
12. Богатырева Р.В, Тихонов А.И., Черных В.П. и др. Справочник экстемпоральной рецептуры.-К.: Морион, 1999.-495 с.
13. Вавилова Н.М. Гомеопатическая фармакодинамика.- Смоленск: Гомеопатический центр.-М.: Эверест, 1994.-462с.
14. Steven B. Kayne Homeophathic Pharmacy: Theory and Practice, (2nd Edition).-New York, 2006.-366 p.
15. Keller G. Gomeopatiya. - M., 1990;-590c.
16. Loyd V. Allen Jr., Nicholas G. Popovich, Howard C. Ansel. Ansels. Pharmaceutical Dosage Forms and Drug Delivery Systems.- New York: Lippincott Williams Wilkins, 2011.-P.722.
17. www.provisor.com.ua/archive/2004/N17art26php.
18.www.nanolab.com.ua.

**МУНДАРИЖА**

**Сўз боши**.......................................................................................................4

**I БОБ. ГОМЕОПАТИЯ ТАЪРИФИ**…………......... 6

1. Гомеопатиянинг кискача тарихи…………………………..... ...7

2.Гомеопатиянинг принциплари……………………………………...........8

3. Гомеопатияда ишлатиладиган дозалар, суюлтиришлар. Суюлтириш усуллари……........9

4.Гомеопатик дори турлари, уларнинг таснифи…………………………………………......13

5.Ўзбекистон Республикасида гомеопатиянинг ривожланиш ҳолати…………………………16

6.Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрига (23.12.2021) охирги киритилган гомеопатик препаратлар, чет эл ишлаб чиқарувчилар ва гомеопатик препарталари............................20

**II БОБ. РЕЦЕПТСИЗ СОТИЛАДИГАН ГОМЕОПАТИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ**………22

**НАФАС ЙЎЛЛАРИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ВОСИТАЛАР**……………………………………………………….22
ЎРК белгиларини бартараф қилиш учун дори воситалар………………...22
Афлубин гомеопатик томчилари……………………………………………...22
Болалар учун Анаферон……………………………………………………….24
Анаферон гомеопатик таблеткалари………………………………………….25
Бронхипрет гомеопатик томчилари…………………………………………..27
Бронхипрет сиропи…………………………………………………………29
Бронхипрет таблеткалари ……………………………………………………..32
Синупрет дражеси……………………………………………………………...34
Синупрет сироп………………………………………………………………...35
Синупрет форте………………………………………………………...39
Тонзипрет таблеткаси…………………………………………………….…41
Тонзипрет гомеопатик томчилари……………………….………………...43
Тонзилгон Н дражеси………………………………………………………….44

**АСАБ ТИЗИМИНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАР**………46
Нотта гомеопатик таблеткалари……………………………………………...46
Тенотен гомеопатик таблеткалари……………………………….…...47
**ЮРАК ҚОН ТОМИР ТИЗИМИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ**....................48
Пумпан гомеопатик таблеткалари…………………..48

**БУЙРАК КАСАЛЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАР**
Канефрон Н ичга қабул қилиш учун эритма....................50
Канефрон Н дражеси……………….................50
Импаза гомеопатик таблеткалари……………………...52
Афала гомеопатик таблеткалар………...53
Гентос таблеткалари…………………………………………55

**ЖИГАР ПАТОЛОГИЯСИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАР**...57

Галстена гомеопатик таблеткалари…………………………………….....57

**АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯДА ҚЎЛЛАНИЛУВЧИ ДОРИ ВОСИТАЛАР**…..58

Ременс гомеопатик тил ости таблеткалари……………………….….58

Мастодинон ичиш учун томчилар………………………….59

Климакдинон ичга қабул қилиш учун эритма……………..61

«Климаксан гомеопатический» гомеопатик таблеткалар……………………..62

«Климаксан гомеопатический» гомеопатик гранулалар………....63

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**...............................65